


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХҲЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ



**ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА
АГРОБИЗНЕС АСОСЛАРИ
(МАЪРУЗА МАТНЛАРИ)**

**TACIS-TEMPUS JER 21231-2000
қўшма лойиҳаси доирасида тўзилган**

ТОШКЕНТ - 2003

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ
ВА АГРОБИЗНЕС АСОСЛАРИ

(Маърузалар матни)

Tacis-Tempus 21231-2000 қўшма
лойихаси асосан ишлаб чиқилган

Тошкент – 2003

333(У)
А-90
Тузувчи

Ф.Ахроров - Самарканд Қишлоқ Хўжалиги Институтининг «Иқтисодиёт»
кафедраси ассистенти

Такризчилар:

О.Муртазаев - Самарканд Қишлоқ Хўжалиги Институтининг Иқтисодиёт
факультетининг декани, доцент;

У.Назаркулов - Тошкент Давлат Аграр Университетининг Инновация ва
таҳлил маркази бошлиғи ўринбосари, и.ф.н., Германия Хоэнхайм Университетининг
доктори

Ушбу маърузалар матни Самарканд Қишлоқ Хўжалиги Институтининг
Иқтисодиёт факультетининг ва Институт Илмий кенгашида муҳокама этилиб,
кўпайтириш учун маъқулланган

Библиотека

СамСХИ

И№ № 4/к 2041

«Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва агробизнес» фанидан соатлар тақсимоти

Г/р	Мавзулар	Соатлар тақсимоти Маъруза/амалий
1	Фаннинг предмети, ташкил топиши ва ўрганиш усуллари	2/2
2	Агробизнес	
2.1	Озиқ овқат ишлаб чиқариш ва реализация қилиш занжири	2/2
2.2	Агросаноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш омиллари	2/2
2.3	Бозор структураси	2/2
2.4	Маҳсулотни қайта ишлаш	2/2
2.5	Озиқ овқат маҳсулотлари чакана савдоси	2/2
2.6	Маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш	2/2
3	Қишлоқ хўжалик корхоналарида иқтисодий ҳисоб-китоблар олиб боришнинг услубий асослари	
3.1	Корхона ишлаб чиқариш ва тармоқ структурасини режалаштириш	2/2
3.2	Оптимал ишлаб чиқариш дастурини амалга оширишда ва бажарилишини назорат қилишда корхонани бошқаришнинг ҳисоб-китоб усуллари	2/2
4	Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи	
4.1	Харажатлар ва уларнинг гурухланиши	2/2
4.2	Қисқа даврда ишлаб чиқариш харажатлари	2/2
4.3	Узоқ даврда ишлаб чиқариш харажатлари	2/2
4.4	Харажатларни минимизациялаш	2/2
5	Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш	2/2
	Жами:	28/28

АДАБИЁТЛАР:

Burrel, A M., Peerlings J.H.M. 2001 Agricultural Economics. Reader (Syllabus 2001/2002). Agricultural Economics and Rural Policy Group, Wageningen University.

Capstick, M. (1970). The economics of agriculture. George Allen and Unwin Ltd.

Colman, D., Young, T. 1989. Principles of Agricultural Economics: Markets and Prices in Less Developed Countries (Wye Studies in Agricultural and Rural Development) Cambridge University Press.

Cowling, Keith, Metcalf, David, A.J Rayner. 1970 Resource Structure of Agriculture. Pergamon Press Ltd., Oxford, UK

Cramer, Gail L., Jensen. Clarence W 1994 Agricultural economics and agribusiness-6th edition. John Wiley & Sons, Inc. New York, USA.

Gardner, Bruce L., Rausser, Gordon C. 2001. Elsevier. Amsterdam

Gerard, G., Lansink A. Oude. 1999. Reader for Farm Economics. Farm Management Group, Wageningen University

Hartwick, John M., Olewiler, Nancy D. 1998. The Economics of Natural Resource Use-2th edition. Addison-Wesley, Inc. Massachusetts, USA.

Heady, E. O. (1957). Economics of agricultural production and resource use. Prentice-Hall, Inc.

Kilmer, Richard L., Armbruser Walter J. 1987. Economic Efficiency in Agricultural and Food Marketing. Iowa State University Press. Iowa, USA.

Peters, George H. 1995. Agricultural economics The international library of Critical Writings economics. Edgar Elgar Publishing Ltd. Aldershot, UK.

Seitz, Wesley D., Nelson Gerald C., Harold G. Halcrow. 1994. Economics of Resources, Agriculture, and Food. McGraw-Hill, Inc. New York, USA.

Tracy, Michael. 1993. Food and Agriculture in a Market Economy. An Introduction to Theory, Practice and Policy. APS. Belgium.

Varian, Hal R. 1990. Intermediate Microeconomics. A Modern Approach-2nd edition. W.W.Norton & Company. New York-London.

Varian, Hal R. 1992. Microeconomic Analysis.-3rd ed. W.W.Norton & Company. New York-London.

Фаннинг предмети, келиб чиқиши ва ўрганиш усуллари

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти фанини кишилар қандай қилиб ўз технологик билимларидан ва меҳнат, ер-сув, капитал ва менежмент каби чегараланган, камёб ресурслардан озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат учун хомашё ишлаб чиқаришда ва уларни жамиятнинг аъзолари эҳтиёжи учун етказиб бериш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларни ўрганувчи фан сифатида эътироф этиш мумкин. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти фани иқтисодий назария фанидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда мавжуд муаммолар ечимини топишда фойдаланади.

Иқтисодий назария фани услубларини қишлоқ хўжалиги муаммоларига қўлланилиши секинлик билан амалга оширилди. Қишлоқ хўжалиги фанини ташкил топиши илдиэлари узоқ даврларга кириб боради. Унинг ривожланишида дастлаб табиий фанлардан, кейинчалик эса иқтисодий назария фанидан кенг фойдаланилган.

Жаҳон қишлоқ хўжалигида XIX охирида бошланган инқироз унинг сабаблари ва ечимларига бўлган эътиборни оширди. Ундан олдин бу муаммолар билан асосан агрономлар шуғулланиб, ечишга ҳаракат қилиб келинган. Улар фақат ўсимчилик ва чорвачиликни ривожлантириш орқали муваффақиятга эришиб бўлмаслигини тан олдилар. Бу олимларнинг бир қисми ўз эътиборини фермаларни бошқариш муаммоларига, асосан экин ва чорва турларини танлашга ҳамда ҳосилни йиғиш, қайта ишлаш муаммоларига қаратди.

Хўжаликлар харажатлари ва даромадларини дастлаб 1902 йилда Миннесота Университети олимлари В.М.Хайс ва А.Босс ўрганишни бошлади. Бу олимлар мутахассислиги бўйича агроном бўлиб, улар фермер хўжаликлари ва уларга хизмат қилувчи корхоналар бўйича харажатлар ҳақида маълумот туплашга имкон берадиган тизимни ишлаб чиқдилар. Фермалар харажатлари ўртасидаги фарқлар корхона турлари, меҳнат ва бошқа харажатлар бўйича таҳлил қилиниб, фермерларнинг хўжаликлари бошқаришдаги фаолияти намоён қилинди.

АҚШ Корнелл Университети боғдорчилик бўйича профессори Г.Ф.Уоррен Нью-Йорк штати фермерлари ҳисоботларини тўплаб, таҳлил қилишни бошлади. Г.Ф.Уоррен бошчилигида ўтказилган бу машғулотлар кейинги 40 йил давомида Нью-Йорк штати фермер хўжаликлари харажатлари ва даромадлари ҳақида

Дунё аҳолисининг тез суръатларда ўсиб бориши натижасида жами етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини қўпайтириш тобора муҳим аҳамият касб эта бошлайди. Бу мавзуга бағишланган умумжаҳон конференциялари 1961 йили Вашингтонда (АҚШ), 1970 йили Гаагада (Голландия) ва 1974 йили Римда (Италия) бўлиб ўтди. Бу конференцияларнинг асосий мавзуси дунёда очлик ва қашшоқликка қарши курашни кучайтириш эди. Муаммонинг бундай қўйилиши узоқ муддатга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқишни талаб қилади. Мазкур фан ўқувчига инсониятнинг ушбу абадий муаммосининг иқтисодий асосларини ўргатишга ҳаракат қилади. Ушбу муаммо агросаноат тармоқларини, шу жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналарини таъминотидаги тартиб то истеъмолчигача бўлган комплекс жарæнни ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги даставвал дунё озиқ-овқат тизимининг ажралмас қисмидир. Деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари бу тизимнинг асосини ташкил қилади. Агроиқтисодчилар бу тизимнинг долзарб муаммоларини чуқур ўрганишлари зарур, чунки улар маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш билан чамбарчас боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида тармоқларида иқтисодий алоқаларни тассавур қилиш учун агроиқтисодчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча бўғинларини ўрганиши лозим. Ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқиш ўз хусусиятларига эга бўлиб, агроиқтисодчи ундан ташқари, қайси маҳсулотни қандай қилиб ишлаб чиқиш ва сотиш кераклигини танлашда бошқа омиллар қатори атроф-муҳит таъсирини ҳам ўрганиши лозим. Бундан ташқари агроиқтисодчи давлат бошқаруви сиёсатидаги ўзгаришлардан хабардор булиши ва бу ўзгаришларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга бўладиган таъсирини таҳлил эта олиши керак.

1 Агробизнес

1. Озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва реализация қилиш занжири
2. Агросаноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш омиллари:
 - 2.1. Чорва озукаси етиштириш
 - 2.2. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш.
 - 2.3. Бошқа химиявий моддалар билан таъминлаш.
 - 2.4. Машина ва ускуналар.
 - 2.5 Уруғлик материаллари
3. Бозор структураси
4. Маҳсулотни қайта ишлаш.
5. Озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси.
6. Маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш.

Бу бобда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва истеъмолчига етказиб беришнинг барча босқичларини кўриб чиқамиз. Агробизнес терминини жуда кенг маънода талкин қилиш мумкин: агробизнес фермерлар ёки қишлоқ хўжалик корхоналарини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашдан ёки таъминловчи саноат корхоналари ёки компаниялардан тортиб то маҳсулотлар маркетинги, қайта ишланиши ва реализациясигача булган жараённи қамраб олади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари харажатлари улар маҳсулотлари қийматининг таркибий қисмини ташкил қилган ҳолда маҳсулотларни тайёрловчи ва қайта ишловчи фирма ва компаниялар харажатлар, истеъмолчигача етиб келган озиқ-овқат маҳсулотлари қийматининг асосий қисмини ташкил қилади. Шу сабабли агробизнес самарадорлиги масаласини маҳсулотлар истеъмолчига етарли миқдорда, турли ассортиментда ва мақбул баҳолар билан етказилиб берилишини кўзда тутган ҳолда бутун озиқ-овқат тизими доирасида ўрганиш лозим.

Маҳсулотлар асосан давлат каналлари орқали тақсимланган собиқ социалистик иқтисодиётда озиқ-овқат занжиридаги маҳсулотларни реализация


қилишнинг турли бозорларига эътибор берилмай келинган бўлиб, бундай ҳолат хали бу бозорлар тўлиқ шаклланмаган кейинги ўтиш даврида «яширин бозорлар» ва бу бозорда криминал элементлар ҳукмронлигига олиб келди.

Маҳсулотлар қанчалик етарли, рақобатда бўлса, у бозорда бундай ноқонуний ҳолатлар шунчалик кам учрайди. Ҳар бир навбатдаги босқич маҳсулот қийматини кўпайтиради. Самарали *бозор тизими* ишлаб чиқариш жараёни босқичма-босқич ишлаб чиқарувчидан тайёрловчига ёки дастлабки ҳаридорга, ундан озиқ-овқат занжири бўйича янада пастга энг кам йўқотишларсиз то истеъмолчига қадар йўналишини таъминлаши лозим; маҳсулотни ажратиш ва қадоқлаш шу босқичларнинг бирида амалга оширилиши мумкин. Қайта ишлаш деганда маҳсулотни табиий шаклидан истеъмолга яроқли ёки қулай шаклига айлантириш тушунилади (масалан: бугдойни унга). Етиштирилган маҳсулотларни истеъмол марказларигача *ташиш* харажатлари ҳам нархни ташкил топишига таъсир кўрсатади. Маҳсулотларни *сақлаш* харажатлари ҳам таннарх таркибига киритилиб, тез бузилувчан маҳсулотларни сақлаш таваккалчилик элементларидан бири ҳисобланади ва етарли миқдордаги даромад келтириши лозим. Чунки, ҳар қандай таваккалчиликда маълум миқдордаги фойда олиши кўзда тутилади.

1.1 Озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва реализация қилиш занжири.

Озиқ-овқат занжирининг график тасвири қуйида берилган. Бу оддийлаштирилган занжир тизими бўлиб, унда барча мавжуд бўлган канал ва боғланишларни тўлиқ тасвирлашни иложи йўқдир, чунки улар маҳсулот турлари бўйича ўзгариб туради. Шунингдек, бу ерда ҳар бир босқичда кузатилиши мумкин бўлган экспорт ва импорт жараёнлари ҳам эътиборга олинмаган.

Иқтисодий ўсиш жараёнида қишлоқ хўжалик тармоғининг ҳиссаси ялпи миллий маҳсулот ва даромад таркибида камайиб бориши кузатилади. Лекин, иккинчи томондан, қишлоқ хўжалигини таъминловчи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрловчи ва қайта ишловчи тармоқлар ҳиссаси индустриализация жараёнининг дастлабки босқичларида ортиб борали ва кейинчалик ҳам ўзининг миллий даромаддаги нисбий ҳиссасини йўқотмасдан, балки ошиб бориши ҳам мумкин.



Мисол учун, Европа Иттифоқига аъзо энг йирик 7 мамлакатда (Белгия, Дания, Германия Федератив Республикаси, Франция, Италия, Голландия ва Буюк Британия) озиқ-овқат, ичимлик ва тамаки қайта ишлаш саноатиларида ташкил топган қўшилган қийматнинг мамлакат буйича жами қўшилган қийматга нисбатан улуши 1987 йилда ўртача 4%ни ташкил қилди ва кейинги ун йилликда бу улуш узгармасдан қолди. Ушбу мамлакатларда қишлоқ хўжалигининг (урмон хўжалиги ва балиқчилик билан биргаликда) улуши охириги ун йилликда ўртача 1%дан 3%гача камайган.

Европа Иттифоқига аъзо 12 мамлакат озиқ-овқат, ичимлик ва тамаки sanoatida жами ишловчиларнинг 2,8%и банд булгани ҳолда, бу тармоқларнинг ялли ички маҳсулотдаги ҳиссаси 3,2%ни ташкил қилади; бу тармоқларда меҳнат унумдорлиги нисбатан тезроқ ошади; қишлоқ хўжалигида эса аксинча вазият кузатилади, тармоқда жами ишловчиларнинг 6,6%и банд булгани ҳолда унинг ЯИМ даги улуши 3,1%ни ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалик корхонаси сотиш баҳоси билан истеъмолчи ҳарид баҳолари уртасидаги фарқ ёки маржа миқдори маҳсулот турлари бўйича турличадир; одатда маржа миқдори маҳсулот қайта ишлаш босқичларига пропорционал равишда ошиб боради ва хом-ашёнинг улуши якуний қийматнинг нисбатан кичик қисмини ташкил қилади.

Истеъмолчилар харажатларида фермерлар маҳсулотлари улуши, 1989йил (АҚШ).

1 жадвал

	Фермерлар маҳсулотларининг қиймати, млрд доллар	Истеъмолчи харажатлари, млрд доллар	Фермерлар маҳсулотларининг қийматдаги улуши, %
Гушт	35,1	130,0	27
Мева-сабзавотлар	15,8	108,5	15
Сут ва сут маҳсулотлари	19,6	64,2	31
Нон ва нон маҳсулотлар	3,5	48,1	7
Ун ва ун маҳсулотлари	1,3	16,7	8
Парранда	10,5	31,2	34
Тухум	2,7	6,4	42
Бошқа маҳсулотлар	12,7	56,6	22
Барча озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича	101,2	461,8	22

*) АҚШ қишлоқ хўжалик департаменти (US Department of Agriculture, *Food Cost Review* 1991, Agricultural Economic Report №662) маълумоти.

Америка Қўшма Штатлари бу соҳада кўпгина ЕИ давлатларига нисбатан тулиқроқ маълумотга эгадир. 1-жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриниб турибдики, фермерлар маҳсулотларининг қиймати истеъмолчилар харажатларидаги улуши 1989йилда ўртача 22%ни ташкил қилган; бу кўрсаткич шундай ўтиши билан камайиб боргани ҳолда кейинги босқич корхоналарининг улуши ошиб боради. Қуйидаги 2-шаклда истеъмолчиларнинг пиروвард натижада сарфлаган харажатлари озиқ-овқат занжирининг турли босқичларида

таъминланишидаги ўзгаришни куришимиз мумкин: бунда маҳсулотларни қайта ишлаш ва чакана савдо энг катта улушга эгадир. Пировард қиймат таркибидаги фермерлар улуши бор-йўғи 27% ни ташкил қилади.


3-шаклда пировард қиймат компонентлари акс эттирилган бўлиб, бунда меҳнатнинг улуши нисбатан юқори эканлигини куришимиз мумкин. «Уйдан ташқарида» овқатланиш ҳолатида (АҚШда истеъмолчилар харажатларининг 40%га яқини шу ҳолатга тўғри келади) «сервис хизмати харажатлари» муҳим рол уйнайди.

Купгина Ғарбий Европа мамлакатларида истеъмолчи пировард харажатларидаги фермерлар улуши АҚШга нисбатан юқорироқдир. Аммо, маркетинг ва қайта ишлаш харажатларини ортиб бориши бу ерда ҳам кузатилмоқда.

Бозорга асосланган иқтисодиётда озиқ-овқат занжири компонентларининг асосий қисми хусусий мулкдир. Агробизнес корхоналари одатда тижорат ёки кооператив, яъни, хусусий ёки жамоа мулкига асосланган булиши мумкин. Фермер кооперативлари асосан фермаларни ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш ёки маҳсулотларни дастлабки маркетинги ва қайта ишлаши билан боғлиқдир: кооперативлари аҳамияти мамлакатлар ва ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича ўзгариб туришини кейинчалик кўриб чиқамиз. АСМнинг 1 ва 3 сфераларининг иккаласида ҳам, яъни, фермаларни ишлаб чиқариш омиллари билан таъминловчи ҳамда маркетинг ва қайта ишлаш тармоқларида тижорат фермалари йирик булиши, мамлакат ёки ҳатто халқаро миқёсда фаолият юргизиши мумкин. Одатда, йирик фирмалар акционер компаниялар кўринишида фаолият юргизади. Озиқ-овқат маҳсулотларини реализациясида ҳам супермаркет тармоқлари кўринишидаги йирик чакана савдо каналлари бозорнинг энг катта қисмини эгаллайди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари пировард қиймати таркиби

2 (а) шакл




- Бу ерда:
- 1) Фермалар қиймати (улуши)
 - 2) Қайта ишлаш харажатлари
 - 3) Транспорт харажатлари
 - 4) Улгуржи савдо харажатлари
 - 5) Чакана савдо харажатлари

Гарбий Европа мамлакатларида агробизнес корхоналари фойдаси ҳақида тулиқ маълумотларни туплашда муаммолар туғилади, аммо, қуйидаги жадвалда келтирилган йирик асосий компаниялар маълумотларидан куришимиз мумкинки, асосий қайта ишловчи компанияларда фойда даражаси ўртача 6%ни ташкил қилади

Ишчи-хотелулар озиқ-овқат махсулотлари қийматининг моддалар буйича таркиби

2-(6) шакл



- Бу ерда:
- 1) Иш кучи харажатлари
 - 2) Фойда
 - 3) Қадоклаш харажатлари
 - 4) Транспорт харажатлари
 - 5) Еқилги-мойлаш материаллари
 - 6) Сервис харажатлари

Озиқ-овқат занжири босқичларини тулиқ таҳлили кейинроқ келтирилади

1.2 Агросоаноат махсулотлари ишлаб чиқариш омиллари

1990 йилда Европа Иттифоқи мамлакатларида харид қилинган қишлоқ ҳужалиги ишлаб чиқариш омиллари суммаси жами қишлоқ ҳужалиги махсулоти қийматининг ўртача ярмини ташкил қилган; бу улуш ЕИга аъзо мамлакатлар буйича фарқ қилиб, Белгия, Германия ва Буюк Британияда ўртачадан юқорироқ бўлса, жанубий мамлакатларда ўртачадан пастдир. Энг кўп харажатлар чорва

озуқасига сарфланган бўлса, ундан кейин ўғитлар, бошқа химикатлар, қишлоқ хўжалик машина ва ускуналари, ЕММ ва ўғитларга тўғри келади (2-жадвал)

Қишлоқ хўжалик корхоналари харажатлари (1991 йил, фоизларда)

2-жадвал

	Буюк Британия	Дания	Белгия	Германия	Франция	Испания	Греция
Чорва озуқаси	41	40	42	29	31	44	24
Қишлоқ хўжалиги машина ва техника харажатлари	19	18	9	17	10	16	15
Ўғитлар	9	10	7	9	12	11	9
ЕММ ва энергетика	7	8	8	16	8	8	24
Ўсимликларни химоялаш воситалари	6	6	5	6	10	4	9
Ўғитлар	4	3	6	6	12	4	6
Бошқа харажатлар	14	15	23	17	17	13	13
Харажатлар жами	100	100	100	100	100	100	100
Харажатларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қиймати улуши	55	51	55	53	46	44	23

*) Commission, The Agricultural Situation in the Community-1992 Report

Қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш тармоғида сўнги пайтларда бир қатор қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Бу қийинчиликлар асосан фермерлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларига чеклашлар қўйилиши ва атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқдир. Компанияларнинг фойда ҳажми бирмунча қисқарди ва бир қанча фирмалар ў фаолият доирасини бошқа соҳага йўналтирди ёки кенгайтди. Тармоқда қайта қуриш жараёни давом этмоқда.

Фермер кооперативлари ўз аъзоларини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашда воситачи сифатида муҳим рол ўйнайди. Бундай ҳолат Германияда (озуқа ва уруғлик таъминотида), Италияда (машина-ускуналар, агрохимикатлар ва уруғлик таъминотида), Дания, Голландия, Франция, Ирландия ва Буюк Британияда (чорва озуқаси таъминотида) кузатилиши мумкин. Баъзи ҳолатларда улар ўз-ўзини таъминлайдилар. Қуйида чорва озуқаси, ўғит ва бошқа химикатлар, қишлоқ хўжалик техникаси ва уруғлик ишлаб чиқарилиши таҳлил қилинади

Чорва озуқасини етиштириш

Чорва моллари асосан фермаларнинг ўзида етиштириладиган дағал хашак, озуқабоп лавлаги, маккажўхори ёки ўт силоси каби турли хил озуқа истеъмол қилади; одатда, қайта ишланган шакарлавлани чикитлари ҳам чорва озуқаси сифатида фермерларнинг ўзларига қайтарилди. «Бозорбоп», яъни, сотиладиган озуқалар орасида «энергияга бой» ва «протеинга бой» озуқаларни ажратиш мумкин. Биринчи турдаги озуқаларга ғалла (маккажўхоридан ташқари асосан Европа Иттифоқи мамлакатларининг ўзида етиштирилади), маниок (асосан Таиланд ва Индонезиядан импорт қилинади), «оқсилга бой дон» (маккажўхори донидан изоглюкоза ишлаб чиқариш саноати иккиламчи маҳсулоти, асосан АҚШдан импорт қилинади), ва цитрус жмеҳи (асосан АҚШдан импорт қилинади) кабилар киради. «Протеинга бой» озуқалар ўз ичига соя (асосан АҚШ ва Бразилиядан келтирилади) ва рапс, кунгабоқар каби ёғбоп уруғлар кунжараларилари, балиқ уни ва сут кукунини олади.

Бир қанча чорвадорлар ўзлари омихта ем етиштирадилар: 65 миллион тоннага яқин омихта ем шу усулда ишлаб чиқилади ва унинг 80%га яқин таркибини дон ташкил қилади.

Чорва озуқаси етиштириш саноатида асосан омихта ем ишлаб чиқилиб, ЕИда 1990 йилда жами 28 млрд. ЭКЮ қийматида 100 миллион тонна омихта ем ишлаб чиқилган. Унинг 35 миллион тоннаси чўчқачилик учун, 32 миллион тоннаси қорамол учун ва 28 миллион тоннаси паррандалар учун ишлаб чиқилган.


Омихта ем таркиби ингредиентлар баҳоси ва туйимлилигини ҳисобга олган ҳолда тузилади. 1989 йилда ишлатилган хом-ашё миқдори ҳам 100 миллион тоннани ташкил қилиб, унинг таркиби куйидагича:

*30 миллион тоннага яқин бошоқли экинлар(ЕИ да ишлаб чиқилган ва импорт қилинган);

*25 миллион тоннага яқин ёғбоп уруғлар иккиламчи маҳсулотлари (купроқ импорт қилинган соя маҳсулотлари);

*17 миллион тоннага яқин озиқ-овқат саноати иккиламчи маҳсулотлари;

*6 миллион тоннага яқин импорт қилинган маниокдир.



Дунёдаги энг йирик омихта ем ишлаб чиқарувчи бу- Бритиш Петролеум нефт компаниясининг тармоғи бўлган BP Nutrition фирмасидир; бошқа халқаро миқёсдаги ишлаб чиқарувчиларга Италиянинг Ferruzzi, АҚШнинг Cargill ва Bunge & Worn, ва Франциянинг Dreyfus фирмалари киради. Шунингдек, тармоқда нисбатан кичик ишлаб чиқарувчилар ҳам фаолият юргизади; Голландия, Дания, Буюк Британия ва Ирландияда етиштирилиган озуқанинг ярмидан кўпроғини кооперативлар ишлаб чиқаради. ЕИда бу тармоқда 1990 йили 92 минг киши банд бўлган; ишловчилар сони 1984 йилдан бошлаб ишлаб чиқаришни механизациялаштирилиши ва автоматизациялаштирилиши натижасида камайиб келмоқда ва hozirda ишловчиларнинг асосий қисмини юқори малакали инженерлар ва техник ходимлар ташкил қилади.

Чорва озуқаси одатда йирик ҳажмга эга бўлганлиги учун транспорт харажатлари таннарх таркибида муҳим ўринни эгаллайди. Натижада омихта ем ишлаб чиқариш саноати чорвачилик хўжаликлари зич жойлашган худудларда ҳамда хом ашё келиб гушадиган портларга яқин худудларда ҳам ривожланган. Бу эса ўз навбатида ушбу худудларда (баъзан анъанавий чорвачилик худудларига зарарли равишда) чорвачиликни ривожланишига олиб келди.

ЕИга аъзо мамлакатларда омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар(тегирмонлар)нинг умумий сони, гарчи бири қанча янги тегирмонлар қурилган бўлсада, ишлаб чиқариш йўналишининг ўзгариши ва корхоналарнинг қўшилиши натижасида камайиб бормоқда. 1988 йилда тегирмонларнинг умумий сони 4330тани ташкил қилган. Тармоқда ишлаб чиқаришнинг концентрацияси ошиб бормоқда ва натижада 5% йирик корхоналар 52% маҳсулотни ишлаб чиқармоқда.

ЕИ мамлакатлари қишлоқ хўжалигига курсатилаётган босим натижасида озуқага бўлган талабнинг ошиши чегараланиб келмоқда. Гушт ва гушт маҳсулотларига бўлган талабга кейинги йилларда чорва озуқаси билан боғлиқ турли касалликларнинг тарқалиши ҳамда бу ҳолатларнинг оммавий муҳокамаси салбий таъсир кўрсатувчи омил сифатида хизмат қилди. Қорамол озуқасини ишлаб чиқариш 1983 йилдан бошлаб камайиб келмоқда; чучкачилик ва парранда озуқасини ишлаб чиқариш бироз кўпайган Буларнинг барчасининг натижасида олинаётган фойда миқдори қисқариши кузатилмоқда ва ишлаб чиқариш қувватларининг 30% бўш туриб қолмоқда.

Бундан фарқли улароқ, мушук, ит каби уй хайвонлари озукасини ишлаб чиқариш тез ривожланиб бормоқда, ва 1987 йилда ЕИда 3.4 миллиард экю ҳисобида ушбу озукә тури ишлаб чиқилган. Ушбу секторда одатда йўқотиладиган урат, дон маҳсулотлари, сабзавот ва балиқ маҳсулотлари чиқитларини қайтарилиши эътиборга лойикдир.

Ўзбекистонда узоқ йиллардан бери чорва озукәси ишлаб чиқариш қолақ сармоқлардан бири. Натижада шартли мол бошига 1.5-2 марта кам озукә сарфланади, бунинг натижасида ривожлантирилган зотли молларнинг узукәдорлиги уларнинг потенциал имкониятларига нисбатан 2-3 марта кам даражада ташкил этмоқда.

Қишлоқ хўжалимида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурида омихта ем ишлаб чиқаришини сезиларли даражада кўпайтириш ва уларни сифатини яхшилаш мақсадида, «оздонмаҳсулот» корпорациясининг омихта ем фабрикаси заводлари ва цехлари негизида ишлаб чиқариш ҳажминини 2-2.5 млн тоннага етказиш ва кўп компонентли, юқори сифатли омихта ем ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Бу дастурда паррандачилик учун омихта ем ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор бериллади.

Минерал ўғитлар

Минерал ўғитлар азот(N), фосфат(P) сингари оддий ёки N, P ва K (калий)ларини бирлаштирган мураккаб ўғитларга бўлинади. ЕИ мамлакатларида ҳар бир гектарга ўртача 80 килограмдан азот ишлатилса, фосфат ўртача 38 кга яқин ва ўртача 40 кгдан ортиқроқ калий ишлатилади. Демак, ЕИ давлатлари ўртасида ўғитлардан фойдаланиш даражаси анча фарқ қилиб, шимолдий-ғарбий мамлакатларда жанубий худудларга нисбатан потенциалроқ фойдаланилиши кузатишган.

Сўнги йилларда ўғитлардан фойдаланиш даражаси улардан юқори даражада фойдаланувчи мамлакатларда нисбатан пасайиши кузатишмоқда, чунки бу мамлакатларда фермерлар томонидан ўғитларни қўллашда кўпроқ ўғитликларни табиий эҳтиёжларига эътибор берилмоқда. Шунингдек, маҳсулотларнинг реал баҳосининг пасайиши ва тактиф назорати(ишлаб чиқариш даражасини чекланилиши) ҳам бунга сабаб бўлган. Минерал ўғитлар қиймати ва уларни қўллашда сувни ифлосланиши ҳам уларни қўлланилишини пасайишига сабаб бўлган омиллардан бири ҳисобланади. ЕИга кирувчи

мамлакатларнинг кўпчилиги ва ҳозирда Европа Иттифоқининг ўзи ҳам минерал ўғитларни қўлланилишини чекловчи ва назорат қилувчи қонун ва қонуний ҳужжатларни қабул қилишган. Шунингдек, кейинги йилларда ривожланаётган Шарқий Европа давлатлари томонидан бўлган рақобат ҳам уларни ишлаб чиқариш даражасини пасайишига олиб келди; 1990 йилда ЕИ давлатларининг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжининг чорак қисми импорт ҳисобига қопланиб, унинг қиймати ўғит экспортига нисбатан уч барабар ортиқ бўлган.

Буларнинг барчасининг натижасида тармоқдаги мавжуд фирмаларнинг бири қанчаси бозордан чиқиб (масалан, Германиянинг Hoechst фирмаси) бошқаларининг бозордаги улуши сезиларли даражада камайди (бунинг натижасида, масалан, Англиянинг ICI химия гиганти ўзининг ўғит ишлаб чиқарувчи тармоғини Финландиянинг Kemeta OY фирмасига сотмоқчи бўлганлиги келишув Британия монополиялар ва бирлашувлар комиссияси томонидан бекор қилинган).

Ўғит санаоти корхоналари ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини такомиллаштиримоқда. Тармоқ кам сонли йирик фирмалар билан характерланиб, улар ўғитлар учун таркибий элементлар ишлаб чиқарувчи кўплаб кичик корхона ва фирмаларни бирлаштиради. Kemira ва Норвегиянинг Norsk Hydro фирмалари Европадаги энг йирик ўғит ишлаб чиқарувчилар ҳисобланиб, улар Европанинг турли давлатларида ўз бўлимларига эгадир. Шунингдек, тармоқда Германиянинг BASF, Франциянинг Grande Paroisse, Италиянинг EniChem ва Испаниянинг FESA каби компаниялари фаолият юргизади.

Ўзбекистоннинг ривожланиши йилларида минерал ўғитлардан фойдаланиш самарасини ошириш мақсадида даставвал қишлоқ хўжалик экин майдонларида агрохимиявий изланишлар олиб борилди ва тупроқнинг агрохимиявий хариталари тузилди. 1998-2000 йилларда 4 млн гектар суғориладиган ерларнинг агрохимиявий хаританомалари ишлаб чиқилди.

Республиканинг азотли ўғитларга бўлган талабини тулароқ қондириш учун экспорт қилишни кўпайтириш мақсадида, чет эл капиталини жалб қилган ҳолда карбамид ва аммиакли селетра ишлаб чиқиш корхоналари реконструкция қилинди.

Фосфатли ўғит ишлаб чиқиш қўвватлари йилига соф ҳолда 600 минг тонна ўғит ишлаб чиқиш қўвватига эга. Бу қўвватларни тўла таъминлаш учун Қизилкум фофорит заводи ишга туширилди.

Фаргона «Азот» бирлашмасида «Кребс» фирмаси билан ҳамкорликда хлорат магний ва хлорат натрий деоролантларини ишлаб чиқарилади. Қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалар ва касалликлардан йўқотишни вамайтириш мақсадида турли химикатлар чет эллардан келтирилган таъсирчан молдалардан фойдаланиш йули билан амалга оширилади.

Машина ва ускуналар

Қишлоқ хўжалик техникаси ўз ичига тракторларни(жами оборотнинг ирмига яқинини ташкил қилади), ерни ишлайдиган ва ҳосилни йиғишга мўлжалланган бошқа машина ва ускуналарни, транспорт воситаларини ва чорвачилик машина ва ускуналарини ўз ичига олади.

Йирик машиналар ишлаб чиқаришда корхонанинг иқтисодий масштаблари муҳим аҳамиятга эгадир. АҚШнинг йиллар давомида кўплаб бирлашишлар натижасида юзага келган тўрт гигант компанияси: Case-International Harvester, Ford-New Holland, Massey-Ferguson, John Deere компаниялари жаҳон миқёсида иккунга кўп тракторлар ва комбайнлар ишлаб чиқармоқда ва сотмоқда. оз миллий ишлаб чиқарувчисига эга Европа давлатларида бу ишлаб чиқарувчилар ҳам йирикроқ бозор улушини эгаллашга ҳаракат қилмоқда: Италияда Fiat and SAME, Германияда Deutz and Fendt компанияси, Франциянинг Renault компаниялари булар қаторига киради. Аммо, АҚШ компаниялари барча бозорларда муваффақиятли фаолият юргизмоқда: масалан, Ford-New Holland компанияси Буюк Британия бозорида ҳукмронлик қилади ва ҳоказо.

Кенг миқдордаги нисбатан кичик фирмалар(Европада 3-4 мингта) қишлоқ хўжалигида парранда ёки чучқачилик учун, вино етиштириш учун, маҳсулотни сақлаш ва қуритиш учун ва шунга ўхшаган бошқа маҳсус техника ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаради.

ЕИда тармоқда 2.4 миллион киши банддир. Германияда жами ЕИ маҳсулотининг 45%га яқини ишлаб чиқарилади.

Умуман олганда тармоқда етарлича рақобат сақланиб қолган. Хохлаган қишлоқ хўжалиги кўрғазмасига таширф буюрилса, фермерларга таклиф қилинаётган турли-туман қишлоқ хўжалиги техникасини куриш мумкин.

1980 йиллардан бошлаб Европа ва Шимолий Америка қишлоқ хўжалиги хаддан ортиқ товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ турли чеклашлар натижасида кенгайишдан тўхтади ва ҳозирда маҳсулотга тўйинган бозорлар ҳисобланади ва тармоқнинг кейинги ривожланиши Марказий ва Шаркий Европа мамлакатлари ва Собиқ Совет республикалари бозорларига кўп жихатдан боғлиқдир.

Ислохотларни чуқурлаштириш дастурида қишлоқ хўжалигини зарур техника воситалари билан таъминлаш даражасини ошириш юзасидан қуйидаги чора-тадбирлар кўзда тутилган

Унумли ер ҳайдаш тракторлари, галла ва шоли уриш комбайнларига бўлган эҳтиёж хорижий шериклар билан ташкил қиладиган кушма корхоналарда уларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, етакчи фирмалардан, асосан хорижий сармойани жалб этган ҳолда сотиб олиш ҳамда машина трактор парклари фаолиятини янада такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқарувчи заводлар билан биргаликда лизинг компаниялари ва тайёр маҳсулотларни консигнация омборлари ташкил этилади.

Техника ишлаб чиқарадиган заводлардан этиёт қисмлар келтиришни кўпайтириш ва республика корхоналарида уларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобига машиналарнинг мавжуд паркнинг иш қобилиятини кучайтириш чора тадбирлари амалга оширилади.

Машина-трактор паркларининг акциядорлик жамиятларига айлантириш ва уларнинг самарадорлигини оширишдаги илғор тажрибалардан кенг фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги машиналари ва механизмларини ишлаб чиқараётган заводлар кучи билан таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш йуллари кенгайтирилади.

Импорт техникаларига сервис хизмат кўрсатиш уларни етказиб берувчи хорижий фирмалар томонидан амалга оширилади, бунинг учун техник марказлар ва уларнинг шохобчалари ташкил этилади; «озқишлоқхўжаликмаш-холдинг»

вирмањиси корхоналарида ишлаб чиқиладиган қишлоқ хўжалик техникаларини сотиш бозорлари кенгайтирилади.

Уруғлар

Одатда, фермерлар ўз маҳсулотларининг бир қисмини келгуси йилга уруғлик сифатида олиб қўядилар. Узоқ даврлар давомида тижорий мақсадларда уруғлик маҳаллий миқёсда ва кичик ҳажмларда етиштириб келинган. Аммо, илмий-техникавий тараққиёт бу йўналишга ўзгартиришлар киритди. Уруғлик маҳсулотларининг асосий қисми ҳозирда тижорий мақсадларда, йирик ҳажмларда ишлаб чиқилиб, унинг кондинциялари одатда фермерлар ва тижорат фирмалари ўртасида тузилган шартномалар орқали назорат қилинади. Шартномаларга кўра уруғлик материаллари хар-хил замбруғлар, хашоратлар, паразитлар ва қўшлардан химояланиши мумкин. Гибрид уруғларни фермерлар ҳар йили сотиб олишлари зарур бўлиб, акс ҳолда, унинг хусусиятлари йўқолади ва шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, баъзи экинлар, масалан, маккажўхори етиштиришда асосан гибрид уруғлардан фойдаланилмоқда. Биотехнология касалликка чидамли ва ҳосилдор янги уруғлар яратишда тобора муҳимроқ уринни эгалламоқда.

Ривожланишдаги ушбу ўзгаришлар уруғлик материаллари ишлаб чиқариш тармоғида катта бюджетли илмий изланишларни инвестиция қила оладиган йирик халқаро фирмаларни ривожига олиб келди. «Усимликлар навлари химояси тўғрисидаги» қонун кўпгина ГАРБий Европа ва Шимолий Америка давлатларида фирмаларга илмий изланишларда фойда олишига баъзи кифолатлар беради.

Гибрид маккажўхори навларининг Шимолий-ГАРБий Европа мамлакатларида 1970 йиллардан бошлаб кенг миқёсда қўлланилиши ушбу навларнинг юқори самарадорлигига яққол мисол бўла олади. Табиий америка навлари қисқа вегетация даврига мослашмаган бўлиб, тезпишар янги навларнинг яратилиши маккажўхорини Шимолий Франция, Бенилюкс мамлакатлари, Германия ва хатто Англиянинг жанубий ҳудудларида ҳам етиштириш имкониятини яратди (олдинлари бу ҳудудларда маккажўхори фақат силос учун етиштирилган). Бунинг натижасида АҚШдан импорт қилинадиган макка донининг ҳажми камайиб бормоқда.

Уруғ етиштирувчи кичик кооперативлар қисман сақланиб қолган бўлиб, уларнинг асосий қисми маҳаллий миқёсда ва бир хил навдаги уруғлик

етиштиришга ихтисослашгандир. Энг йирик уруғлик етиштирувчи компания бу АҚШнинг Pioneer компаниясидир. Уруғлик етиштиришга ихтисослашган бошқа йирик фирмаларга Германиянинг KWS ва Франциянинг Limargrain фирмалари кирди. Limargrain фермерлар кооперативидир. Шунингдек, бу руйхатга Royal Dutch/Shell каби нефт компанияси; American Cyanamid Bayer, Du Pont, ICI ва Monsanto каби химия ва агрохимия компаниялари; Upjohn, Ciba-Geigy, Dekalb-Pfizer ва Sandoz каби фармацевтика компаниялари ҳамда Cargill, Beatrice Foods ва Campbell Group каби озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи фирмаларнинг уруғлик етиштирувчи тармоқларини қўшиш мумкин.

Уруғлик материалларини етиштириш тармоғи бошқа тармоқларга нисбатан камроқ концентрлашган бўлиб, 80-йилларнинг ўрталарида энг йирик 5 фирма жами маҳсулотнинг қарийб 20%ини ишлаб чиқарган.

Республикамизда мумкин қадар тез муддатларда селекция ва уруғлик самарадорлигини ошириш мақсадида илмий тадқиқот институтлари фаолятини тубдан яхшилаш, жаҳоннинг пахта, ғалла ва бошқа экинлардан юқори ва сифатли ҳосил оладиган мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтириш тадбирлари амалга оширилади.

Уруғликни ташкил этувчи компанияларга, бирлашмаларга молиявий ёрдам ва кредит бериш кучайтирилди; уруғлик ва селекция ишлари билан шуғулланувчи муассалар ва бўлимларга мулкчиликдан катгъий назар уруғ тайёрловчи заводларга, цехларга давлат томонидан ёрдам кўрсатилади.

Республикада қабул қилинган қонунга мувофиқ сотиладиган барча қишлоқ хўжалик экинлари уруғлари сертификацияланиши шарт. Шу мақсадда уруғларни сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази ва унинг филиаллари ташкил этилган.

1.3 Бозор структураси

Қишлоқ хўжалигида бозор каналлари кўплаб таъминотчилар(фермалар) мавжудлиги ва бу фермаларнинг бозорда ягона харидор билан муомалада савдо қилиш имкониятлари пастлиги билан характерланади. Бу муаммо айниқса бозордан узоқ, ривожланиш даражаси паст, маҳсулотни экин майдонидан транспортировка қилиш қийин ҳудудларда ва тез бузиладиган маҳсулотларни реализация қилишда чуқурлашади.

Фермерлар даромадлари самарали бозор тизимига кўп жихатдан боғлиқдир. Харидор ҳам мазкур тизимдан маҳсулотларни янгилигича, сифатли ва мақбул кўринишда қадоқланган ҳолда таъминланишда манфатдордир.

Маҳсулот тури ва маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, қуйида фермерлар ўз маҳсулотларини сотиши мумкин бўлган каналлардан фойдаланишнинг моҳияти кўрсатилган.

Тўғридан тўғри истеъмолчига сотиш. Ферма дуқонлари «ферма дарвозасида» сут ва сут маҳсулотлари, тухум, мева ва сабзавотларни таклиф қилиши мумкин; «Ўзингиз йиғиб-териб олинг» тизими мева ва сабзавотларни сотишда айниқса Буюк Британияда муҳим рол ўйнайди. Умуман олганда, тўғридан тўғри сотиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида нисбатан кичик улушга эгадир.

Маҳсулотни бозорда, одатда аукционларда сотиш. Чорва молларининг асосий қисми, шунингдек, мева ва сабзавотлар ушбу йўл билан сотилади. Бир-биридан узоқ қишлоқ туманларида жойлашган кичик бозорлар кўпинча харидорлар ва сотувчилар учун қониқарли бўлмайди. «Голланд аукционлари» деб аталадиган мева-сабзавот аукционлари самарали деб топилиб, у кўплаб мамлакатларда қўлланилади. Бунда одатдаги аукционлардан фарқли равишда нархлар сотувчи хоҳлаган энг юқори даражадан бошланиб, бирон бир харидор харидни тасдиқлашга қадар пасайиб келади. Бунинг учун ҳар бир харидор маҳсул тугмачали пултга эгадир. Бу тизим оддий ва тезкорлиги билан муваффақият қозонган.

Маҳсулотни улгуржи харидор ёки қайта ишловчига сотиш. Ихтисослашган улгуржи харидорлар бошоқли донлар ва баъзи худудларда қорамол ва бошқа чорва молларини асосий харидорлари ҳисобланишади.

Маҳсулотни кооперативларга сотиш. «Биринчи бошқич» кооперативлари маҳсулотни фермерлардан харид қилиб, уни дастлабки қайта ишлашдан ўтказишади, «иккинчи бошқич» кооперативлари бир қатор бирламчи кооперативлар маркетингини бошқаради ва кейинги қайта ишлашни ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кооперативлар орқали сотиш(1989), %

3-жадвал

	UK	DK	NL	D	F	IT	SP
Чучка гўшти	17	98	23	..	78	15	2
Мол /бузоқ гўшти	5	44	16	..	30	6	5
Парранда гўшти	0	0	23	..	40	..	4
Тухум	17	60	15	..	25	5	18
Сут	4	91	84	65	50	32	10
Шакар лавлаги	1	17	63	..	16	..	14
Бошоқли донлар	19	47	65	52	75	35	10
Мевалар	21	90	75	30-40	45	31	26
Сабзавотлар	25	90	82	55-65	35	10	12

Commission, The Agricultural Situation in the Community 1991

Юқоридаги жадвалда кооперативларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдаги ўрни акс эттирилган бўлиб, бундан ташқари, Жанубий Европа мамлакатларида кооперативлар орқали вино ва зайтун ёғининг асосий қисми сотилади.

Кооперативлар ва уларнинг аъзолари сони айрим давлатлар бўйича фарқ қилади. Масалан, Италияда 30000дан ортиқ кооперативлар авжуд бўлиб, ўртача ҳар бир кооперативнинг 50-60 аъзоси бор; Ирландияда бор-йўғи 140та кооператив фаолият юргизиб, уларнинг ўртача 1000тадан аъзоси бор. Франция, Германия, Дания ва Голландияда кооперативлар ўртача 500-600 аъздан иборат.

Маҳсулотни шартнома асосида қайта ишловчига сотиш. Бу шартномалар бўйича ишлаб чиқарувчи маълум миқдордаги маҳсулотни белгиланган сифатда маълум муддатда етиштириб бериш мажбуриятини олади. Харидор эса бу маҳсулотни белгиланган баҳода сотиб олиш мажбуриятини олади ва баъзи ҳолларда кредит берилиши ҳамда техник хизмат кўрсатилиши мумкин. Вертикал интеграциянинг бу кўриниши маҳсулотларни консервация ва музлатилган ҳолда сотишда муҳим ўринни эгаллайди. Бундан ташқари бу шакл баъзи давлатларда парранда гўшти, тухум ва баъзан чучка гўшти билан таъминлашда(бунда қайта ишлови фирма фермага чучка болаларини бурдоқига боқиш учун беради) муҳим рол ўйнайди.

Вертикал интеграция ривожининг кейинги босқичида қайта ишловчи фирмаларнинг ўзлари маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғуллана бошлайди: масалан, Буюк Британия паррандачилик тармоғида бундай ҳолатни қузатишимиз мумкин.

1.4 Маҳсулотни қайта ишлаш.

Озиқ-овқат ва ичимлик саноати Европада энг йирик тармоқлардан бири бўлиб, 1990 йилда тармоқда 2.4 миллион киши банд бўлган. Озиқ-овқат ва ичимлик ишлаб чиқариш миқдори ЕИда 1991 йилда 419 миллиард ЭКЮни ташкил қилган. Энг йирик улушга гўшт ҳамда сут ва сут маҳсулотлари тўғри келади, уларнинг ҳар бирининг қиймати жамига нисбатан 18%ни ташкил қилган.

Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқишда (баъзан тармоқ статистикасига қўшилади) Е.Ида 1988 йилда 106000 киши банд бўлиб, 37 миллиард ЭКЮ қийматда маҳсулот ишлаб чиқилган.

Озиқ-овқат ва ичимлик саноатида кўплаб кичик турли типдаги корхоналардан тортиб бир қанча халқаро гигант корпорациялар фаолият кўргизади. 1988 йилда 20тагача ишчи ишлайдиган кичик корхоналар тармоқдаги жами корхоналар сонининг тўртдан уч қисмини ташкил қилган. Лекин уларнинг тармоқдаги жами ишловчилар ва маҳсулот миқдоридagi улуши бундан анча камдир. Одатда қишлоқ ҳудудларида жойлашган ва кооперативлар кўринишида бўлган кичик фирмалар иш билан бандлилик ва даромад соҳасида бу ҳудудлар учун муҳим аҳамият касб этади. Улар одата «маҳсус» пишлоқлар, асал, нонлар каби алоҳида хусусиятларга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлади. Кичик ва ўрта ҳажмдаги корхоналарга миллий ва Европа Иттифоқи даражасида ёрдам кўрсатилиб келтирилган.

Кичик корхоналар бир қатор камчиликларга эгадир: уларнинг асбоб-ускуналари кўпинча моддий ва маънавий эски ҳамда уларни янгилашда маълумий етишмовчиликни кечиради; улар одатда бир маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бу эса ўз навбатида иш кучидан фойдаланишда мансумийлик муаммосини келтириб чиқаради; уларда сифат назорати йўлга қўйилмаган; энг муҳими, уларда илмий изланиш ва ривожланиш имконияти етарли эмас.

Кўпгина озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашда ишлаб чиқариш масштаби аҳамияти (масштаб иқтисодиёти) муҳим аҳамият касб этади: масала, шакар, ун, хайвон ва усимлик ёғи ишлаб чиқаришда, мева ва сабзавотларни қайта ишлашда бу муҳим аҳамиятга эгадир.

Озиқ-овқат саноати структураси (1987 йил)

4-жадвал

Мамлакатлар	Жами маҳсулот, млрд\$	Фирмалар сони	Маҳсулот миқдорида энг йирик фирмаларнинг улуши,%	
			Энг йирик 10 фирма,%	Энг йирик 50 фирма,%
Буюк Британия	85,4	5419	31	52
Германия	84,0	4269	12	26
Франция	87,0	3018	29	62
Италия	97,3	40000	7	16
Испания	38,2	2608	11	28

Оқоридаги жадвалда 1987 йилда Европа озиқ-овқат саноати структураси кўрсатилган.

Қуйидаги жадвалда Европа асосий озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг йўналиши ва асосий иқтисодий кўрсаткичлари берилган.

Асосий Европа озиқ-овқат ва ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг оборот ва фойда миқдори(1988)

5-жадвал

Компаниялар ва асосий фаолият йўналиши	Озиқ-овқат ва ичимлик обороти, млн\$	Жами обороти, млн\$	Соф фойда млн\$	Жами оборот га нисбат ан соф фойда %
Nestle(Швейц) -кофе, кондитер маҳсулотлари	26600	27800	1390	5,0
Unilever(Голл)-ёғ-мой саноати	18835	31303	1526	4,9
Grand Metropolitan(Б Брит)-ичимликлар	9793	10726	733	6,8
Allied Lyons-пиво ишлаб чиқариш	8006	8006	558	7,0
Dalgety(Б Брит)-турли маҳсулотлар	7787	7969	529	6,6
Ferruzzi(Итал) шаккар	6841	19079	425	2,2
BSN(Франция)-турли маҳсулотлар	6383	7065	367	5,2
Sucres et Denrees(Фран)-шаккар	4858	5495	12	0,2
Guinness(Б Брит)-пиво ва бошқалар	4700	4939	607	12,3
Hillsdown(Б Брит)-парранда	4497	6320	368	5,8
Hanson(Б Брит)-турли маҳсулотлар	4448	13158	1994	15,2
Bass-пиво ва бошқалар	4446	6644	574	8,6
Associated British Foods-нон, печеньелар	4398	4398	346	7,9
Jacobs Suchard(Швейц)-кофе, шоколад	4354	4354	234	5,4
Cadbury Schweppes(Б Брит)-конд, ичимлик	4241	4241	301	7,1
United Biscuits(Б Брит)-нон, печеньелар	4239	4239	291	6,9
Heineken(Голл)-пиво ва бошқалар	3683	3686	147	4,0
Tate & Lyle(Б Брит)-шаккар	3641	3715	125	3,4
Berisford(Б Брит)-турли маҳсулотлар	3558	4706	59	1,3
Whitbread(Б Брит)-пиво, мехмонхоналар	3280	3280	287	8,8
Unigate(Б Брит)-сут ва сут маҳсулотлари	3113	4149	230	5,5
SME(Италия)-турли маҳсулотлар	3099	3099	68	2,2
Rank Hovis McDougall(Б Брит)-ёрма	2956	2969	186	6,3
Booker(Б Брит)-турли маҳсулотлар	2938	3275	131	4,0
Perrier(Франция)-минерал сув	2443	2443	175	7,2
Perhod Recard(Франция)-алкогол ичимлик	2256	2256	130	5,8
Union International(Б Брит)-гўшт	2196	2196	32	1,5

Koninklijke Wessanen(Голл)-сут маҳсулот-и	1923	1923	47	2,4
Northern Foods(Б Брит)-сут маҳсулотлари	1834	1834	91	5,0
Union Laitiere Normande(Фран)-сут мах-и	1819	1819	14	0,8
MD Foods(Дания)-сут маҳсулотлар	1686	1699	93	5,5
Sandoz(Швец)-турли маҳсулотлар	1648	6925	519	7,5
Besnier(Франция)-сут маҳсулотлари	1629	1629	63	3,9
LVMH(Фран)-вино ва спиртли ичимликлар	1484	2754	336	12,2
Юқоридаги барча компаниялар	169612	220093	12988	5,9

Манба: Institut Agronomique Meditteraneeen de Montpellier, Agrodاتا: les 100 premiers groupes agro-alimentaires mondiaux, 1990

1.5 Озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси

Озиқ-овқат дўконлари сони сўнгги йилларда тўхтовсиз камайиб, уларнинг ўртача ҳажми ошиб бормоқда. Буюк Британияда 1976 йилда ҳар 1000 харидорга ўртача 1.9 савдо шахобчаси тўғри келган бўлса, 1985 йилга келиб бу кўрсаткич деярли икки бараварга камайиб, ҳар 1000 харидорга ўртача 1.0 савдо шахобчаси тўғри келган. Худди шунингдек, 1985 йилда ҳар 1000 харидорга Данияда 1.3, Голландияда 0.7, Белгияда 1.6, Германияда 1.3 ва Францияда 1.4 тадан савдо шахобчаси (дўкони) тўғри келган.

Камайиш жараёнига асосий таъсир этувчи омил бу ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи йирик супермаркетлар (одатда 400-2499 м² майдонга эга) ва гипермаркетлар (2500 м² дан юқори) тизимининг ривожланиши ҳисобланади. Бу тизим орқали 1987/88 йилда Буюк Британия, Белгия ва Францияда жами озиқ-овқат маҳсулотларининг 80%, Голландияда 71%, Германияда 56%, Данияда 46% сотилган.

Франция, Белгия ва Германия каби мамлакатларда кичик дўкон эгалари босими остида гипермаркетлар ривожини чекловчи қонунлар қабул қилинган. Аммо, йирик ўз-ўзига хизмат килувчи универмаглар мақбул баҳоларда кенг ассортиментдаги маҳсулотлар таклифи, тез суръатлардаги обороти, харидорга қулай жойлашганлиги, автомобил паркинглари билан истеъмолчилар эътиборини қозониб келмоқда.

Кўпчилик мамлакатларда истеъмолчилар уюшмалари вақти-вақти билан маълум турдаги маҳсулотларнинг турли супермаркетлар бўйича таклиф этилаётган баҳоларининг таққослама рўйхатини эълон қилиб турилади. Шу тариқа, Белгиядаги истеъмолчилар журнали бўлган *Test-Achats* 1992 йилда эълон қилган тадқиқотлари бўйича, бир-бири билан рақобат қилувчи йирик тўрт

супермаркетлар тизими баҳолари кичик шаҳарлардан тортиб йирик шаҳарларгача тадқиқ қилинганда, қуйидагилар аниқланган: 119 мос маҳсулотлардан иборат «сават»нинг баҳоси арзон ҳисобланган супермаркетлар тизимида энг қимматларига нисбатан 20% арзон бўлган.

Тармоқда концентрацияланиш даражаси тўхтовсиз равишда ошиб бормоқда ва супермаркет ва гипермаркетлар одатда бирон бир йирик тизимнинг қисми ҳисобланади. 1987 йилда Голландия, Белгия, Германия ва Буюк Британияда энг йирик беш тизим жами озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдосининг ярми ёки ундан кўпрогини амалга оширган. Ушбу тизимлар марказлашган ҳолда бошқарилади ва таъминланади. Франция ва баъзи бошқа мамлакатларда тизимларни бошқаришда марказлашмаган, маҳаллий менежмент тизими қулланилади.

Кичик ҳажмдаги дўконлар одатда маҳсус хусусиятларга эга маҳсулотлар савдосига ихтисослашган бўлиб, улар Францияда муҳим уринни эгаллайди.

Худди қайта ишлаш тармоғидаги сингари, тамоқда куплаб фирма ва компаниялар қўшилиши ва бирлашиши кузатилмоқда. Бундан ташқари, озиқ-овқат чакана савдосининг «интернационаллашуви» ҳам тармоқ структураси ўзгаришига таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Масалан, Германиянинг Aldi тизими бир қанча қўшни мамлакатларда кенг тармоққа эга.

1.6 Маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш (умумий овқатланиш тизими)

Уйдан ташқарида, ишхоналарда, катенларда, ресторанларда, тез овқатланиш шаҳобчаларида ва шунга ўхшаш нуқталарда истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари қиймати тўхтовсиз ушиб бормоқда. Юқори даражадаги даромадлар, янгича ишлаш усуллари, хотин-кизларнинг меҳнат ресурслари таркибига кўпроқ қўшилишлари ҳамда ёшларнинг харид қобилиятларининг ошиши каби социал-иқтисодий омиллар ҳам бунга сабаб бўлмоқда.

1980 йилларнинг бошларида Шимол-Гарбий Европа мамлакатлари умумий овқатланиш тизимида истеъмолчилар жами озиқ-овқат харажатларининг 15% дан 25%гача бўлган улушни ташкил қилган бўлса, 1990 йилга келиб Буюк Британияда умумий овқатланиш тизими улуши 20 миллиард фунг стерлингни ташкил қилиб, унинг ҳажми истеъмолчиларнинг жами озиқ-овқат харажатларига нисбатан 48%ни, АҚШда эса 43%ни ташкил қилган.

Тармоқ структураси умуман олганда, турли-туман ва кичик ҳажмлидир: йўнчилик рестороанлар якка эгали ва бошқарувлидир. Иккинчи томондан, бир қанча гуруҳлар маълум соҳаларда етакчи ўринларга эгадир. Трассалар ёқасидаги ва аэропортлардаги рестороанлар йирик компаниялар томонидан бошқарилиши нақаддга мувофиқдир. Йирик компанияларда ҳам горизонтал ҳам вертикал интеграциялашиш мавжуд. Буюк Британияда Trusthouse Forte компанияси трасса ва йўллар ёқасидаги рестороан ва мехмонхона комбинацияси, аэропортлардаги рестороанлар ва парвоз хизматини бирлаштиради. Францияда Ассог гуруҳи тармоқда етакчи ҳисобланиб, мехмонхона-рестороанлар тизимини ва бир қанча пунктларни назорат қилади.

АҚШда McDonald's тизими энг катта оборотга эга ва 1988 йилда 11 миллиард доллар қийматида маҳсулот сотган бўлиб, Burger King Corporation 4.9 миллиард доллар миқдорда, Kentucky Fried Chicken 2.9 миллиард доллар миқдорда, Pizza Hut 2.6 миллиард ва Taco Bell 1.6 миллиард доллар миқдорда эгалар.

Бу компаниялар Европада ҳам ўз тармоқларига эга бўлиб, чакана савдо бозорда салмоқли улушга эгадир.

Ўзбекистонда бозор инфраструктураси босқичма босқич такомиллаштирилмоқда. Отиш даврида пахта хом ашёси, ғалла ва бошқа бир қанча қишлоқ хўжалик товар маҳсулотлари давлат буюртмаси асосида амалга оширилади. Буни ҳисобга олиб товар ишлаб чиқарувчилар ва тайёрловчилар ўртасида шартнома тузилади. Шартномаларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олувчи тайёрлов ташкилотлари билан тузилган контрактация шартномалари, шу жумладан фьючерс асосида, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга моддий-техника ресурслари етказиб бериш шартномалари, улар томонидан ёқилги-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар ва усимликларни қилиш воситалари, қишлоқ хўжалик техникаларини сотиб олиш учун мажбури кредитлар олиш бўйича ва бошқа турдаги шартномалар тузиш ва шартнома шартларини бажариш интизомини мустаҳкамлашга эътибор қаратилади.

Республикада қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга асосан тайёрлов етиштирувчилари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга келгуси йил

ҳосили учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш муддатларини ҳисоб олиб босқичма-босқич кредит ажратишлари лозим.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларга хизмат кўрсатуви тижорат банклари, хўжалик ва «Агросуғурта» компанияси ўзаро сугўр шартномаларини тузган тақдирда ўзларининг кредит ресурслари ҳисобига тула қобилиятига эга бўлган хўжаликларга ёқилғи-мойлаш материаллари, энергия манбаалари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникаси ва бошқа моддий ресурсларни олишга мақсадли кредитлар ажратади.

Шунингдек, тижорат банклар рентабелли ишлайдиган қишлоқ хўжалик корхоналарига «Бизнес-режа» асосида ҳосилнинг 50-80 фоизи қиймат доирасида ишлаб чиқариш харажатларининг белгиланган меъёрларига риқилган ҳолда тўғридан-тўғри кредит ажратадилар.

«Ўзагросуғурта» компанияси томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилини ва қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер, деҳқон ва оила томони хўжаликлари мулкларини табиий офатдан ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолларда сугўрталанади.

Тайёрлов ташкилотлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширувчилари билан улар топширган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши қонунлаштирилган.

Қишлоқ хўжалигига моддий техника ресурсларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга етказиб берадиган корхоналарнинг маҳсулотлари нархларини назорат қилинади.

Деҳқон бозорларида барча турдаги маҳсулотлар бозор иқтисодиётининг талаб ва таклифлари, рақобат қонунлари асосида эркин ташкил топади. Мустақил ривожланиш йилларида кўпчилик озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан арзон баҳо тизими ташкил топмоқда.

2 Қишлоқ хўжалик корхоналарида иқтисодий ҳисоб-китоблар олиб боришнинг услубий асослари

1. Корхона ишлаб чиқариш ва тармоқ структурасини режалаштириш.

2. Оптимал ишлаб чиқариш дастурини амалга оширишда ва бажарилишини назорат қилишда корхонани бошқаришнинг ҳисоб-китоб усуллари.

Қишлоқ хўжалик корхонасининг оптимал ишлаб чиқариш структурасини аниқлашда дастурий режалаштириш ва чизиқли дастурлашнинг иқтисодий-математик усуллари кенг фойдаланилади.

Дастурий режалаштириш усули (Programme Planning) бу корхонанинг тармоқлар бўйича алоҳида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш, алоҳида омиллардан фойдаланилиш самарадорлигига кўра тармоқларни таркибини аниқлаш ва мавжуд ресурслар доирасида корхонани оптимал тармоқ структурасини аниқлаш усулидир. Бу усул 50-йиллар ўрталарида чизиқли дастурлаш усулини осонлаштириш мақсадида АҚШда ишлаб чиқилган бўлиб, 60-йиллар бошларидан ГАРбий Европада ҳам қўлланила бошланган.

Дастурий режалаштириш қуйидаги асосий босқичларда амалга оширилади:

- корхонани ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланилишини аниқлаш;
- ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятини аниқлаш ва улар бўйича маржинал даромадларни ҳамда ишлаб чиқариш омилларига бўлган талабни ҳисоблаш;
- корхонанинг бошланғич(хакикий) ташкилий структураси таҳлили(корхона бўйича жами маржинал даромадни ҳисоблаш, алоҳида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш);
- товар ва нотовар тармоқларни агрегатлаш(масалан, озуқа етиштириш тармоқларини чорвачилик тармоқлари билан);
- алоҳида тармоқларни ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигига кўра муҳимлилик даражасини аниқлаш;

- корхонанинг ишлаб чиқариш тармоқлари структурасининг мумкин бўлган вариантларини аниқлаш. Ечимда энг чегараланган омил энг юқори самара берган тармоқ максимал даражада кенгайтирилиб, сўнгра самарадорлилик даражасига кўра ундан кейин келадиган тармоқлар билан у ёки бу омилнинг чегараланганлигига кўра тўлдирилади ёки алмаштирилади;
- ишлаб чиқариш структурасининг турли вариантлари бўйича режавий ҳисоб-китоблар натижаларини бир-бирлари ва ҳақиқий натижалар бўйича энг яхши вариантни аниқлаш мақсадида таққослаш.

Корхонанинг бошланғич ҳолатдаги умумий характеристикаси.

Корхонанинг бошланғич ҳолатини таҳлили ва кейинги ривожланишини режалаштириш учун унинг фаолияти табиий ва иқтисодий шароитлари ҳамда корхона ва унинг алоҳида тармоқлари бўйича хўжалик фаолияти натижалари ҳақида мумкин қадар тулиқ маълумотлар бўлиши лозим. Режалаштириш учун утган йиллардаги ўз маълумотлари ҳамда норматив ёки таққосланиши мумкин бўлган қўшни корхоналар маълумотларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Режалаштиришдаги биринчи қадам бу корхона фаолиятининг табиий , ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлари, ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланиши, ихтисосланиши, алоҳида тармоқларнинг ҳақиқий иқтисодий самарадорлиги даражаси ва корхона бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги маълумотларга асосланган умумий тавсифини беришдир.

Қуйидаги жадвалда кейинги режавий ҳисоб-китоблар учун асос бўладиган табиий -иқтисодий кўрсаткичларнинг биринчи гуруҳи келтирилган.

Хўжалик жойлашинининг умумий характеристикаси

1-жадвал

1. Умумий маълумотлар	Корхонанинг номи Ҳуқуқий шакли Манзилгоҳи Телефон ва факс
2 Табиий ва об-хаво шароитлари	Денгиз сатҳидан баландлиги Йиллик ўртача ёғин миқдори Вегетация даврида ёғин миқдори Вегетация давридаги ўртача

	температура Тупроқ тури Қ/х ерларининг баллар буйича сифати: Ҳайдаладиган ерлар ййлов ва пичанзорлар
3 Хўжалик ичида юк ташиши	Далаларнинг жойлашиши Дала майдонлари сони Дала майдонларининг ўртача катталиги Дала майдонларидан машина-трактор паркигача бўлган ўртача масофа
4 Корхонанинг бозорлардан узоқ яқин жойлашланганлиги	Вилоят марказигача Туман марказигача Энг яқин темир-йул станциясигача

Режалаштиришнинг муҳим шартларидан бири бу хўжаликнинг алоҳида майдонлари ва бўлимларини етарли даражада таққосланишидир. Бу шартлар буйича катта фарқлар учраган тақдирда ишлаб чиқариш қувватларини алоҳида бўлимларга ажратган ҳолда режалаштиргандан сўнг корхона буйича умумлаштирилади.

Маълумотларнинг кейинги гуруҳи бу корхонани асосий ишлаб чиқариш омиллари: ер, капитал ва меҳнат ресурслари билан таъминлаганлигидир.

Ер ресурслари билан таъминланганиши

2-жадвал

1 Ер ресурслари:	Уз мулки	Ижарага олинган
Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, жами Шу жумладан: Ҳайдаладиган ерлар ййлов ва пичанзорлар кўп йиллик дарахтлар Иўдлар, бино ва иншоотлар билан банд ерлар Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бошқа ерлар		
2 Ижара имкониятлари: ижарага бериш Ҳайдаладиган ерларни ййлов ва пичанзорларни ижарага олиш		

Сут-товар фермалари								
Бузоқхоналар								
Чучкахоналар								
Омборлар								
Бошқа бино на иншоотлар								
Жами								

Корхонани техника билан таъминланганиши қўлланилиш мақсадига кўра гуруҳларга бўлиб аникланади. Ундан ташқари, техниканинг баланс, алмашиниш қийматларини, тулиқ тиклаш ва капитал таъмир учун мос амортизация кўрсаткичларини белгилаш лозим(4-жадвал)

Сунгра алоҳида техника турларидан дала ишларини бажарилиш графиги асосида фойдаланишнинг чегаралари белгиланади, яъни, алоҳида ишларни бажарилиш муддатлари ва худуд, иқлим хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда айрим агрегатларнинг йиллик максимал юкламаси аникланади.

Хўжаликнинг техника билан таъминланиши

4-жадвал

Машина ва ускуналар	Ишлаб чиқарил ган сана	Мавжуд			Тенгкучли алмашинув		
		Сотиб олиш қиймат и м.сум	Амор тизац ия, м.с/ й	озгар увчан хара жатл ар, м.с/ га	Сотиб олиш қиймат и,м.с	Амортиза ция,м.с/ йил	озгарув чан хаража тлар, м.с/га
Тракторлар							
Транспорт воситалари							
Қ/х машиналари:							
Трени ишлаш							
Экин машиналари							
.....							
Сумма							

Корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланишини режалаштиришда икки асосий услубдан фойдаланиш мумкин:

1) Корхонада доимий ишчилари сонини ўзгармас кўрсаткич сифатида олинганда. Бу вариантда ишчилар сони ижтимоий ёки шахсий сабабларга кўра ўзгармайдиган ҳолатда белгиланади.

2) Ишчиларга бўлган эҳтиёж ўзгарувчан ва режавий ҳисоб-китоблар асосида аниқланади.

Фақат бир тармоқ доирасида банд тор ихтисосли ишчилар (масалан, суғарувчилар), ҳамда мавсумий ва вақтинча жалб этилган ишчилар, яъни, алоҳида тармоқлар бўйича маржинал даромадларни ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган ишчилар доимий ва корхона ихтисослашувига боғлиқ ишчилар таркибга киритилмайди.

Доимий ишчилар сони белгилангандан сўнг техникадан фойдалана олувчи ва мос маълумотга эга ҳамда фақат қўл кучи сифатида фойдаланиладиган ихтисосга эга бўлмаган ишчилар сони алоҳида аниқланади. Бунда тармоқларнинг ихтисослашган ишчи кучига бўлган эҳтиёжини қоплаш ва ишлаб чиқариш структурасини режалаштириш имкониятидан фойдаланиш ҳисобга олинади. Замонавий шароитларда ихтисослашмаган иш кучидан фақат мавсумий фойдаланиш мумкинлигини эътиборга олган ҳолда ҳужаликда ихтисосга эга ишчилар салмогини ошириш муҳим аҳамиятга эга; улардан ҳам мураккаб, ҳам мураккаб бўлмаган жараёнларда фойдаланиш мумкин бўлиб, бу доимий иш кучидан фойдаланиш оптималлигини оширади. Режавий иқтисодиётли даврда куплаб қишлоқ ҳужалик корхоналарида иш кучидан тор ихтисослашган ҳолда фойдаланиш амалиёти шаклланган бўлиб, бунда, масалан, хайдовчи механизаторлар бошқа ишларга жалб этилмайди. Бу меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиради. Бу қисман, ишчиларга эмас, балки берилган иш турига йуналтирилган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимидан келиб чиқади. Бозор иқтисодиёти шароитида ихтисослашган ишчиларнинг доимий маошини кўзда тутган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини режалаштириш, яъни, корхона меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш мумкин.

Шундан сўнг ишчилар категориялари бўйича бир ишчининг йиллик иш вақти ресурси аниқланади. Ёлланма иш кучи учун бу «Меҳнат кодекси» ва утган йиллар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ҳақиқий ишлаб чиқариш

Оптимал ишлаб чиқариш структурасини ҳисоблаш. Чекланган ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлиги даражасига кўра маълум ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича корхонанинг структураси турли вариантлари ҳисоблаб чиқилади. Дастлаб-қишлоқ хўжалик ерларидан, сўнгра меҳнат ресурслари ва корхонанинг бошқа чекланган ресурсларидан фойдаланиш алоҳида-алоҳида ҳисобланади.

Оптимал ишлаб чиқариш-тармоқ структурасини ҳисоблаганда қуйидаги схемадан фойдаланилади. Энг самарали ишлаб чиқариш тармоғини омиллари билан таъминланиш ва бошқа чеклашлар(алмашлаб экиш ва бошқалар) доирасида максимал даражада кенгайтирилади. Сўнгра ечимга самарадорлик даражаси бўйича иккинчи ўринда турувчи тармоқ олинади ва мавжуд имкониятлар доирасида кенгайтирилади ва шу тариқа ишлаб чиқариш омиллари тўлиқ қўлланилиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятлари тугагунга қадар давом эттирилади. Шу тариқа аниқланган ишлаб чиқариш структураси бўйича жами маржинал даромад бошқа ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш даражаси ҳамда корхонанинг алтернатив ишлаб чиқариш-тармоқ структуралари аниқланади.

Ҳисоб-китобларнинг охирида ишлаб чиқариш структураси вариантлари нўрсаткичлари ҳамда сўнгги йилларда шаклланган ҳақиқий ишлаб чиқариш структураси билан жами маржинал даромад ва йил давомида ишлаб чиқариш дастурларини молиялаштириш имкониятлари нуқтаи-назаридан ўзаро солиштирилади. Максимал маржинал даромад ташкил топган вариант оптимал деб танланади.

Иқтисодий-математик моделлар(чизикли дастурлаш). Юқорида кўриб чиқилган оптимал ишлаб чиқариш-тармоқ структурасини режалаштириш методида ҳисоб-китоблар учун кўп вақт талаб қилади, аммо тахминий натижалар беради. Замонавий ЭХМ-РСлар ва дастурий таъминот нуқтаи-назаридан янада широк ва вақт бўйича тежамли услуб бўлиб тенгламалар системасини симплекс метод бўйича ечишга асосланган чизикли дастурлаш услубидан фойдаланилади.

Чизикли дастурлаш услуби бир вақтнинг ўзида комплекс равишда барча боғланишлар ва бир неча даражадаги чеклашларни ҳисобга олган ҳолда корхонанинг оптимал ишлаб чиқариш структурасини аниқлаш имконини беради.

Услугунинг марказий элементи бу корхонада режалаштириладиган ўзгарувчанлик ҳамда чеклашлар системаси орқали акс эттирилган чизик иқтисодий-математик моделни ишлаб чиқиш ва уни ечишдир. Модел мақсад функцияда акс эттирилган маълум бир оптималлик критерийси бўйича ечилган ўзгарувчилар сифатида мавжуд ишлаб чиқариш омиллари ёки омиллар тармоқларнинг технологик ёки биологик хусусиятлари доирасидаги чеклашлар билан боғланган тармоқлар, маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш омиллари хизмат қилиши мумкин.

Режалаштириладиган даврлар сонига кўра *статистик*(бир даврга) ёки *динамик*(бир неча даврлар) моделлар фарқланади. Динамик моделлар ўз навбатида шартли-динамик ва рекурсив моделларга бўлинади. Бир даврнинг оптимал ечими кейинги даврга бошланғич маълумотлар базаси сифатида қараладиган моделлар рекурсив деб аталади. Рекурсив моделлардан фарқи равишда, шартли-динамик моделларда режалаштириладиган барча даврлар бир мақсад функция билан бирлаштирилади, яъни, оптимум барча даврлар учун умумий топилиб, ҳар бир давр учун алоҳида оптимум аниқланмайди. Корхонанинг ишлаб чиқариш структурасини режалаштиришда мақсад функцияси ёки оптималлик критерийси бўлиб кўпинча максимал маржия даромад(статистик моделларда) ёки ўз капиталининг максимал қиймати(динамик моделларда) хизмат қилади.

Иқтисодий-математик модел маълум бир кетма-кетликда тузилади:

- 1) масалани кўйилиши ва оптималлик критерийсини асослаш;
- 2) ўзгарувчилар ва чеклашлар қаторини аниқлаш, сценарийсини ишлаб чиқиш;
- 3) маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, техник-иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш;
- 4) моделни тузиш ва уни математик кўринишда акс эттириш;
- 5) маълумотни ЭХМга киритиш ва уни ечиш;
- 6) ечим натижалари таҳлили, зарур бўлганда моделни коррекцион қилиш ва қайта ечиш;
- 7) ечимнинг сунгги варианты(вариантлари)ни иқтисодий таҳлили ва режалаштириш лойиҳасини танлаш.

К)қориде эслатиб утилганидек, чизиқли моделни ечишда оптимумга ишлаб чиқариш тармоқларининг кейинги кенгайиши мавжуд омиллардан тўлиқ фойдаланилиш билан чегараланган ёки кейинги кенгайиш маржинал даражаманинги маржинал харажатлардан паст бўлишига олиб келадиган ҳолатларда эришилади. Оптимум шароитида корхона баҳо ва харажатларнинг иқтисодий мутаносиблиги ҳолатида бўлиб, берилган шартларда доимий равишда максимал фойда олинади. Бунда оптимумга уч даражада эришилади:

- 1) алоҳида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш оптимуми,
- 2) ишлаб чиқариш воситаларини оптимал боғлиқлиги
- 3) корхонанинги оптимал ишлаб чиқариш йуналишчилиги.

Чизиқли дастурлаш корхона тармоқлари орасидаги ўзаро алоқаларни эътиборга олган ҳолда учала даражани ҳам бир вақтнинг узида кўриб чиқиш имкониятини беради.

Қишлоқ хўжалик корхонасининг иқтисодий-математик моделини тузишда куйидаги асосий блокларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарурияти тузилади:

Ишлаб чиқариш блоки: ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқлари интенсивлигининг бир неча даражасини кўриб чиқиш ва акс эттириш зарур, уларни етарлича аниқликда ҳисоблаш учун ҳар бир тармоқни бир эмас, техник коэффициентлари ишлаб чиқариш технологиясининг бир неча вариантлари бўйича ҳисобланиб бир неча ўзгарувчилар билан белгилаб олиш лозим (масалан, ўғитлашнинг бир неча даражаси ва x_0).

Маҳсулотни реализация қилиш блоки: Маҳсулотни реализация қилиш каналлари ва ундан фойдаланиш йулларини моделда кушимча чеклашлар ва тармоқни акс эттирадиган боғланган кушимча ўзгарувчилар ёки фойдаланиш йўналишлари бўйича маҳсулот чикими ва маҳсулот балансини акс эттирадиган ўзгарувчилар орқали белгиланиши мумкин.

Ердан фойдаланиш блоки: ўзгарувчилар ва чеклашлар гуруҳи алмашлаб экиш ва органик ўғитлар билан озиқлантириш эътиборга олинган гумус балансини акс эттириши лозим. Чеклашларда тупрок унумдорлигини қайта тикланиш хусусиятларини ва экинларнинг алмашлаб экиш доирасида олдинги экинларни талабларини эътиборга олиниши лозим.

Ишчи кучи баланси блоки: бир неча тармоқлар чегараланган меҳнат техника ресурслари учун рақобатга киришадиган даврларни, яъни, экинчиларини бажаришнинг қизгин даврини ҳисобга олиш зарур. Ундан ташқари қўшимча ва мавсумий ишчиларни жалб қилиш имкониятлари, иш вақти муддагини узайтириш имкониятлари ва бошқаларни ҳисобга олиш зарур.

Озуқа ресурслари баланси: бир томондан, турли чорва молларини физиологик хусусиятларидан келиб чиқиб озиқлантириш учун талаб этиладиган маълум миқдор ва сифатга эга озуқа ёки озуқалар гуруҳини, иккинчи томондан эса озуқаларни етиштириш ёки сотиб олиш имкониятларини акс эттирувчи озуқа балансини тузиш лозим.

Капитал қўйилмалар ва молиялаштириш блоки: бу ерда алоҳидан узгарувчилар (бинолар, машиналар, агрегатлар, кредит ҳажми ва ҳақозолди бутлиги ва сонини, дала ишларини олиб боришнинг қилинган даврларини (техникага бўлган талабни аниқлашда), агрегатларнинг турлича унумдорлиги даражасини, молиялаштириш манбааларини ва молиявий қўйилмаларни алтернатив имкониятларини, шу жумладан, корхонада ташқаридаги имкониятларни ҳам эътиборга олиш зарур. Ундан ташқари корхонада пул оқимларини ҳамда улар келиб тушиши ва маҳсулот реализацияси муддатларини эътиборга олган ҳолда акс эттириш лозим.

Замонавий дастурий таъминот (масалан, американинг ХА System дастурий маҳсулоти) персонал компьютерларда етарлича йирик модаллар бўйича бутун сонлар асосида ҳисоб-китоблар олиб бориш ҳамда иккаламчи баҳолаш ва билвосита самаралар бўйича ечимни текшириш имкониятини беради. Шу тариқа бу усулларни амалиётда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини баҳолашда қўллаш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Оптималь ишлаб чиқариш дастурини амалга оширишда ва бажарилишини назорат қилишда корхонани бошқаришнинг ҳисоб-китоб усуллари


Корхонани бошқаришда энг муҳим усул бу бухгалтерия ҳисобидир. Унинг асосида товар ва хизматларнинг ҳужалик ичидаги ҳаракати режалаштирилади ҳамда ҳужалик фаолияти натижалари таҳлил ва назорат қилинади. Ушбу бўлимда корхона фаолиятининг энг муҳим доираларини режалаштириш ва

таҳлил қилишдаги методик қарашлар, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилишнинг методик асослари бериллади.

Оптимал ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш режалари
 Корхонанинг чизикли дастурлаш ёки дастурий режалаштириш услуби билан шўбланган оптимал ишлаб чиқариш структурасини амалга ошириш учун шўбдаги асосий фаолият шўбалари бўйича режавий ҳисоб-китоблар ўтказилади:

- меҳнат ресурсларидан оптимал фойдаланиш режаси;
- далаларни ўғитлаш режаси;
- чорвачилик тармоқларини озуқа билан таъминлаш режаси;
- молия-пул воситалари ҳаракати режаси;
- молиявий режа.

Бу режалар товар, хизматлар ва пул воситалари балансларидан келиб чиққди ва қўйидаги схемадагидек амалга оширилади



Уларни фарқловчи хўсусият шўндаки, улар ишлаб чиқариш даври бўйича шўндаларга бўлган талабни қамраб олибгина қолмай, балки, режа шўндалари давомида уларни тақсимлашни, яъни, даврни қўшлаб кичик даврларга

булишни ҳам кўзда тутати. Дастлаб, утган йиллар тажрибаси ёки ўтказилган режавий ҳисоб-китоблар асосида бутун давр бўйича энг муҳим ресурслар бўлган талаб(эҳтиёж) аниқланади. Бу эҳтиёж корхонанинг имкониятлари(мавжудлиги) билан солиштирилади. Сўнгра, ишлаб чиқарув воситалари, хизматлар ва молиявий воситаларга булган қопланмаётган эҳтиёж четдан жалб қилиш имкониятлари билан солиштирилади. Бунда у еки ресурсни ишлаб чиқиш ёки жалб қилиш харажатларни ҳисобга олиш ҳам муҳим рол уйнайди.

Меҳнат ресурсларидан оптимал фойдаланиш режаси комплекс ишчи чиқариш дастурининг таркибий қисмидир. Дастлаб режалаштирилаётган дала ишлари гуруҳлари бўйича алоҳида кичик даврларга бўлинади: масалан баҳорги дала ишлари, экинларни парвариш қилиш ва ҳакозо. Сўнгра маъмурий ва техник таъминот ҳисобга олинган ҳолда даврлар бўйича ишчи кучига булган талаб графиги тузилади ва мавжуд меҳнат ва техника ресурслари ўша талабга таққосланади. Зарур булган ҳолларда мавсумий ва вақтинчалик ишчи кучи ҳамда техникани четдан жалб қилиш кўзда тутилади. Доимий ишчи кучи тўлиқ банд булмаган даврлар учун ундан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар режалаштирилади.

Ишчи кучи ва техникага булган талабни аниқлаш учун куйидаги асосий тавсифларни ҳисобга олиш зарур:

-корхонанинг алоҳида тармоқларини ҳажмлари ва техника воситаларини хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бевосита ишлаб чиқаришга боғлиқ эҳтиёжларни ҳисоблаш;

-хар бир давр бўйича об-ҳаво шароитларидан келиб чиққан ҳолда техника воситаларини далага чиқиши ҳамда дала ишларини олиб бориш мумкин булган кунлар сонини аниқлаш;

-алоҳида операцияларни бажариш муддатлари ва аҳамияти (экинларни экиш, йигим-теримни ва бошқа асосий ишларни бажариш оптимал муддатлари).

Категориялар бўйича доимий ишчиларнинг реал потенциали ва четдан жалб қилиш имкониятлари.

Меҳнат ва техника ресурсларидан фойдаланишни оптимал режасини тузиш ҳамда алоҳида даврлар бўйича дала ишларини бажариш графигини тузиш учун

нафақат ҳисоблаш, балки ишчи кучи балансини графикасини акс эттириш имконини берувчи бир қанча компьютер программалари ишлаб чиқилган.

Далаларни ўғитлаш режаси усимликчилик тармоқларини хўжалик далалари ва участкалари бўйича жойлаштиришнинг аниқ режаси асосида тузилади. Дастлаб, алмашлаб экиш доирасидаги утмишдошлар, интенсивлик даражаси ва ўғитларни чиқаришнинг оптимал агротехник муддатларини ҳисобга олган ҳолда йилнинг айрим даврлари бўйича алоҳида ўғит турларига бўлган эҳтиёж аниқланади. Сунгра, хўжаликда мавжуд ўғитлар, уларнинг баҳоси, сотиб олиш, сақлаш ва ташиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўғитларни сотиб олиш, сақлаш ва далаларини йил даврлари бўйича ўғитлаш режаси тузилади. Алоҳида эътиборни атроф-муҳитни химоя қилиш талаблари ҳамда сифат пултан-назаридан сақлаш муддатлари ва шароитларини эътиборга олган ҳолда далаларга органик ўғитларни чиқаришга ҳам эътибор қаратилади.

Бу ерда нафақат оптимал ишлаб чиқариш технологияси ва тупрок мўлдорлигининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқарилишига, балки, атроф муҳит тозаллиги стандартларига риоя қилишга ҳам эътиборни қаратиш зарур. Бунда асосий индикатор бўлиб азот ўғити баланси хизмат қилади.

Чорвачилик тармоқларини озуқа билан таъминлаш режаси озуқаларни олиб тушиш графиги ва озиқлантириш рационларини арзон ва самарали озуқаларни сотиб олиб тулдиришни ҳисобга олган ҳолда мавжуд озуқаларни эҳтиёжга аниқ мослаштириш учун хизмат қилади.

Пул воситалари ҳаракати режаси тузилганда йил ойлари бўйича ҳисобланган пул тушумлари ва харажатлари баланси асос қилиб олинади. Бу режа корхонада ишлаб чиқаришни ва унинг бошқа фаолиятларини молиялаштиришда пул воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш ҳамда корхонанинг ҳақиқий ёки режалаштирилган ишлаб чиқариш-тармоқ структурасининг барча харажатларини келиб тушаётган пул тушумлари ҳисобига қопланиш имкониятларининг етарлилигини текшириш учун хизмат қилади.

Янги ишлаб чиқариш дастури учун бошланғич маълумотлар сифатида алоҳида тузилган ишчи кучига, ўғитларга, усимликларни химоя воситаларига, озуқага бўлган талаби режалари ҳамда тайёр маҳсулот ҳаракати режаси хизмат қилади. Агар корхонанинг ишлаб чиқариш-тармоқ структураси узгариши кўзда

тутилмаган бўлса, пул воситалари ҳаракати режасини тузишда бошланғич маълумот сифатида утган йил ҳақиқий пул тушумлари ва харажатлари билан асос қилиниб, унга ишлаб чиқариш ҳажмлари, баҳо ва харажатларни қўшиб, кутилаётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда коррективировка киритилади.

Пул тушумлари кутилаётган натурал кўринишдаги экинларни ҳосил қилиш, чорва моллари маҳсулдорлиги ҳажмлари, товар маҳсулот ҳиссаси ва кутилаётган баҳоларни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади. Корхонани молиявий таъминлаш қилиш учун пул тушумлари ва харажатлари балансида қисқа муддатли дебиторлик қарзлари, шунингдек корхонанинг қисқа ва узоқ муддатли кредиторлик қарзлари бўйича туловлар динамикаси кўзда тутилади. Ушбу таъминлаш таъқири, молиявий таъминлаш ўтказиш учун корхонанинг асосий воситалар ижтимоий билан, шунингдек, қимматли қоғозлар билан боғлиқ реал пул тушумлари туловларини ҳам ҳисобга олинади. Шундай қилиб, пул воситалари ҳаракати режаси корхона молиявий режасини тузиш ва молиялаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Оилавий фермер хўжаликларда қишлоқ хўжалик корхонаси ишлаб чиқариши билан шахсий хўжалик ўрта ва яқин молиявий боғлиқлик мавжуд. Бундан келиб чиққан ҳолда уларнинг пул воситалари ҳаракати режасини оила эҳтиёжлари, оила бюджетидagi қўшимча даромадлар ва пул тушумларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилади.

Молиявий режа. Ишлаб чиқилган ойлик пул воситалари ҳаракати режаси асосида, режалаштирилган инвестицияларни ҳисобга олган ҳолда корхона алоҳида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш режаси тузилади. Шу ўринда капиталга бўлган эҳтиёж ва уни юқорида эслатиб утилган критерийлар асосида ўз ва четдан жалб қилинган пул воситалар ҳисобига қоплаш имконияти солиштирилади.

Молиявий режанинг бирламчи мақсади бу инвестициялар билан боғлиқ пул оқимлари давомида корхонанинг кафолатланган ликвидлиги ва рентабеллиги ҳисобланади.

Алоҳида инвестицион объектларнинг молиявий режалари уларнинг фойдаланишнинг ҳар бир йилига тузилади ва унинг натижадари корхона умумий молиявий режасига киритилади.

Корхонанинг имитацион модели. Юқорида эслатиб утилган режаларни компьютердан фойдаланмасдан тузиш жуда сермеҳнат вазифа бўлиб, шунинг учун

амалиётда улар алоҳида йиллар учун турлича технологиялар, баҳолардаги ўзгаришлар ва кўпқиррали молиялаштириш стратегиялари ҳисобга олинмаган. Асосий ўзгарувчилар ва баҳолар ўзгаришининг циклик характери ҳисобга олувчи режалар тузилади. Мас датураий таъминотга эга электрон ҳисоблаш техникасининг мавжудлиги ишлаб чиқилган алоҳида режалар асосида корхонанинг имитацион моделларини тузиш ва улардан бошқарув қарорларини асослашда фойдаланиш имкониятини беради. Бундай моделлар бир неча режа вариантлари бўйича ҳисоб-китоблар олиб бориш ва корхонанинг техник ва иқтисодий ривожининг бир неча йўналишдаги сценарийларини ҳисобга олиш имкониятини беради.

Корхона фаолиятини назорат қилиш бошқаришнинг асосий функцияларидан бири бўлиб, у келажакда рационал бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўладиган маълумотларни олиш имконини беради. Назорат режа ва ҳақиқий кўрсаткичларни таққослаш ва режадан четлашиш ҳолатларини аниқлашга алоҳида эътибор беради.



Бу услуб айниқса саноатда аниқ ишлаб чиқилган ва кенг тарқалган. Қишлоқ хўжалигида назорат бир мунча камроқ ривожланган, чунки:

-ўсимликчилик тармоқлари фақат даврий ўлчовга эга ҳосил олиш имкониятига эга, бинобарин доимий назорат қилишнинг имкони йўқ. Доимий назорат тизими фақат узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнига эга чорвачилик тармоқларига нисбатан қўлланилиши мумкин;

-қишлоқ хўжалигида материаллар ва хизматлар айлануви нисбатан камроқ бўлиб, уларни назорат тизимини қўллагандан, оддийроқ воситалар билан ҳам ҳисобга олиб бориш мумкин;

-қишлоқ хўжалигида харажатларни ҳисоблашда ва баҳоларни белгилашда ҳақиқатни режа билан таққослаш жуда кам қўлланилади ёки умуман қўлланилмайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида кунлик(жорий) назорат асосан қўйидагича ташкил этилади.

Ишлаб чиқариш-технологик соҳада:

-сут йўналишидаги чорвачиликда: фемалар бўйича умумий соғимнинг кунлик назорати ва ҳар бир сигирни ойлик назорат соғими(маҳсулдорлик, сутнинг сифати), пода обороти;

-қорамоллар ва чучкаларни бурдоқига боқиш: ойлик назорат оғирлик ўлчови ва озуқа сарфининг ойлик назорати;

ва бошқалар

Санаб утилган ҳар бир назорат соҳаларида таққослаш учун илмий-текшириш ташкилотлари ва тажриба станциялари томонидан тавсия этилган меъёрий маълумотлар ёки хўжаликнинг режа кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Пул воситалари ҳаракати соҳасида ҳақиқий маълумотлар бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, яъни, ойлик ва квартал ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланади.

Ҳисоботларни пул воситалари ҳаракати режаси билан таққослашда ҳисоботлар корxonани бошқаришнинг муҳим қуроли бўлиб хизмат қилади. Пул воситалари ҳаракати режаси кўрсаткичлари билан ҳақиқий кўрсаткичларни солиштирган ҳолда корхона бошқарувчиси осонлик билан четланишларни ҳисоблаши ва ўз вақтида йил охирига қўйилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиши мумкин. Хўжалик фаолиятини назорати етарлича

ийли бошқарув қуроли бўлсада, кўпгина қишлоқ хўжалик корхоналарида йил алоҳида ва ўз вақтида амалга оширилади.

Корхона хўжалик фаолияти таҳлили корхона бошқарувчиси ёки бошқарувчининг хўжалик фаолияти натижаларини характерловчи кўрсаткичлар ҳисоб-китоби ва уларни танқидий баҳолашга қаратилган барча ҳаракатларини қамраб олади. Таҳлил одатда йил натижалари бўйича утказилади. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш учун асос бўлиб корхонанинг йиллик ҳисоботи хизмат қилади.

Мазмунига кўра таҳлилни уч қисмга ажратиш мумкин: баланс таҳлили, натижалар таҳлили ва алоҳида тармоқлар таҳлили.

Корхона хўжалик фаолияти таҳлили асосан бухгалтерия ҳисоби маълумотларига таянади ва даромадларини манбаалари ҳамда харажатларни тарғиби бўйича характерловчи қиймат кўрсаткичлари билан чегараланиб, умумий натижавий кўрсаткичларни ҳисоблаш имкониятини беради. Корхонанинг алоҳида тармоқлари таҳлили ишлаб чиқариш-хўжалик йўналишига эга бўлиб, энг асосий кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда корхонанинг молиявий фаолиятининг тармоқлари даромадлари ва бевосита ишлаб чиқариш харажатларини қамраб олади; алоҳида тармоқлар кўрсаткичи таҳлили ва маълумотлари тарғиблаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Методик масалалар. Корхона хўжалик фаолияти таҳлили унинг хар бир аспекти алоҳида кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонларини кўзда тутилиши билан характерланади. Кўрсаткичлар мутлоқ ва нисбий катталиклар бўлиши мумкин. Мутлоқ кўрсаткичларга, масалан, фойда ёки зарарнинг умумий суммаси, кўшилган ёки камайган капитал суммаси, йиллик оборот суммаси ёки корхона потенциаллиги потенциали суммалари киради. Мутлоқ кўрсаткичлар одатда нисбий кўрсаткичлар ҳисоби ёрдамида танқидий баҳоланади, чунки улар таққослаб баҳолаш учун қулайлик туғдиради. Қоида бўйича, танқидий баҳолаш учун корхона хўжалик фаолиятини нисбий кўрсаткичларини умумий маҳражга белгилаш зарур: уларни 1га, 1 бош шартли қорамол, харажатларнинг 1 сумига (1000) у ёки бу кўрсаткични мақсадга мувофиқлигига кўра уларнинг фоиз кўрсаткичида аниқлаш зарур.

Қуйида асосий услубиётни хусусиятлари ва тафовути кўрсатилади:

-объектига кўра: ички хўжалик ва хўжаликлараро ёки вертикал ва горизонтал таққослаш;

-бошланғич материалга кўра: режа ёки мезёрий маълумотлар ва ушбу йилларнинг ҳақиқий кўрсаткичлари билан таққослаш

Хўжалик бўйича таққослаш авваламбор маълум ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишда улар учун рақобат қилаётган турли тармоқлар ўртасида нисбий фойдалилик ҳақида маълумот беради. Масалан, ер майдонларидан фойдаланишнинг алоҳида экинлар ёки навлар бўйича самарадорлиги. Ундан ташқари, бу солиштиришлар корхона кўрсаткичлари динамикаси ўзгаришини акс эттиради.

Ички хўжалик таҳлили одатда вертикал йўналишда (ҳақиқатни режа билан таққослаш), хўжаликлараро таҳлил эса горизонтал йўналишда (корхона кўрсаткичларини бошқа корхоналарнинг уша даврдаги кўрсаткичлари билан солиштириш) ўтказилади. Бу таққослашлар қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқаришда ҳам баланс таҳлили нуқтаи назаридан, корхона ҳамда унинг тармоқлари самарадорлиги нуқтаи-назаридан муҳим инфорацион аҳамиятга эга.

Баланс таҳлили жараёнида корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини инфодаловчи қуйидаги маълумотларидан фойдаланилади:

- корхона асосий ва айланма фондлари структураси ҳақида,
- капитал структураси, айниқса, ўз ва қарзга олинган капитал нисбатини тўғрисида,
- корхонанинг қисқа муддатли ва ўрта муддатли қарздорлик даражаси ва уларнинг айланма воситалар ва қишлоқ хўжалик хайвонларининг баланси қийматидаги улуши ҳақида.
- йиллик балансда фондларнинг бошланғич қиймати ва капитал суммалари қўлланилади жумладан, ўз капитали суммасидаги ўзгариш ҳақида.

Баланс таҳлили корхонанинг ликвидлиги ва иқтисодий турғунлигини аниқлаш ва баҳолаш имконини беради.

Корхонанинг турғунлиги деганда унинг динамик равишда ривожланаётган иқтисодиётда, ишлаб чиқариш, бозор ва баҳо таваккалчиликлари шароитида барқарор ривожланаолиши тушунилади. Корхона иқтисодиёти турғунлиги

даражасини баҳолаш мезонлари қуйидагилардан иборат: асосий ва айланма фондлар структураси, ўз капитали ҳажмлари, йиллик фойда суммаси ва ўз капитали суммасининг йиллик ўзгариши ҳамда уларнинг қисқа муддатли қарзларга бўлган нисбати. Бу кўрсаткичларнинг биринчи гуруҳини бухгалтерия балансидан қўшимча маълумотларни жалб қилмасдан ҳам аниқлаш мумкин.

Корхонанинг қарзга олинган воситалар ва кредиторлик қарзлари суммаси оборот активлар суммасидан кўп бўлмаган баланс қониқарли ҳолат деб ҳисобланади. 0з капитали усиши суммаси қанчалик юқори ва қарзга олинган капитал хиссаси қанчалик паст бўлса, корхона ривожининг молиявий шароитлари шунчалик барқарор ва мақбул бўлади.

Корхона ривожланиши стабиллигининг иқтисодий таҳлилини ўтказиш учун, фойда ва ўз капитали суммасини усишининг абсолют кўрсаткичларидан ташқари, корхона фаолиятининг нисбий молиявий кўрсаткичлари ҳам ҳисобланади. Уларга рентабеллик ва капитал айланиш тезлиги кўрсаткичлари киради.

Рентабелликнинг молиявий коэффицентларига қуйидагилар киради:

1) Сотиш рентабеллиги коэффиценти, маҳсулотлар(иш ва хизматлар)реализацияси тушумидаги фойда улуши сифатида ҳисобланиб, бир бирлик сотилган маҳсулот миқдорига қанча фойда туғри келишини кўрсатади:

$$K_{ir} = P/N$$

Бу ерда: N-маҳсулот(иш ва хизматлар) реализацияси тушуми;

P-маҳсулот(иш ва хизматлар) реализациясидан олинган фойда.

2) Корхона жами капитали рентабеллиги коэффиценти мулкдан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади:

$$K_{zr} = P/Bsr$$

Бу ерда: Bsr-давр бўйича ўртача баланс активи нетто қиймати, P баланс фойдаси ёки реализациядан олинган фойда.

3) Асосий воситалар ва бошқа номатериал активлар рентабеллиги. Бу кўрсаткич бир бирлик воситалар қийматида туғри келадиган фойда миқдори бўлиб улардан фойдаланиш самарадорлиги акс эттиради:

$$K_{osn} = P/Fsr$$

Бу ерда: Fsr-асосий воситалар ва бошқа номатериал активларнинг баланс неттога кура давр бўйича ўртача миқдори; P-баланс фойдаси ёки реализациядан олинган фойда.

4) оз капитали рентабеллиги ундан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради:

$$K_{rsk} = P/SK,$$

Бу ерда: SK-ўз капиталнинг(баланс-нетто бўйича) давр бўйича ўртача миқдори, P-баланс фойдаси ёки реализациядан олинган фойда.

Капиталдан фойдаланиш самарадорлиги индикаторларининг иккинчи гуруҳига капитал айланишининг молявий коэффициентлари кирди:

5) Капиталнинг умумий айланиши коэффициентини корхонанинг маълум давр мобайнида жами капиталнинг айланиш тезлигини(айланиш сонини) акс эттиради:

$$K_{ok} = N/Bsr,$$

Бу ерда: N-маҳсулот(иш, хизматлар) реализациясидан олинган пул тушуми; Bsr- берилган давр давомида ўртача баланс активи нетто қиймати:

6) Мобил воситалар обороти коэффициентини барча мобил(материал ва номатериал) воситалари обороти тезлигини курсатади:

$$K_{omats} = N/(Zsr + Rsr),$$

Бу ерда: Zsr-маълум даврда баланс бўйича захиралар харажатларнинг ўртача миқдори; Rsr-берилган даврда пул воситалари, ҳисоблар ва бошқа активларнинг ўртача миқдори.

K_{omats} нинг усиши у агар моддий айланма воситалар айланиши коэффициентини K_{omats} усиши билан ошса ижобий, акс ҳолда, K_{omats} камайса салбий баҳоланади.

7) Моддий айланма воситалар айланиши коэффициентини корхона харажатлари ва захираларининг таҳлил этилаётган давр мобайнидаги айланиш сонини акс эттиради:

$$K_{omats} = N/Zsr$$

Komats ning pasayishi ishlab chiqarish захиралари ва тугалланмаган ishlab chiqarish хажмларининг усиши ёки (Kopг pasaygan ҳолда) тайёр маҳсулотга бўлган талабнинг pasayganлигидан dalolat беради.

Тайёр маҳсулотни айланиш коэффициентини унинг айланиш тезлигини кўрсатади:

$$Kopг = N / GPsr,$$

Бу ерда: GPsr тайёр маҳсулотнинг давр мобайнидаги ўртача хажми. Бу коэффициентнинг усиши корхона маҳсулотига бўлган талабнинг oshganлигидан dalolat беради.

Дебиторлик қарзлари айланиши коэффициентини корхона томонидан такдим этилаётган тижорат кредитини кўпайиши ёки камайишини акс эттиради:

$$Kodebz = N / DZsr,$$

Бу ерда: DZsr-давр мобайнидаги дебиторлик суммасининг ўртача миқдори.

Агар коэффициент реализациядан olingan, счетлар туланиб бориши билан шўрланиб борадиган тушум бўйича ҳисобланса, Kodebz ning усиши кредитга маҳсулот сотишининг камайишидан dalolat беради.

Дебитор қарздорлик айланишининг ўртача муддати коэффициентини дебиторлик қарзларини ўртача қопланиш муддатини кўрсатади:

$$Kndebz = 365 / Kodebz.$$

Бу коэффициентнинг камайиши ижобий баҳоланади.

Кредиторлик қарзларини айланиши коэффициентини Kodebz каби корхонага такдим этилаётган тижорат кредити миқдорини кўпайиши ёки камайишини акс эттиради:

$$Kokrz = N / Skz,$$

Бу ерда Skz- давр ичидаги кредиторлик қарзлари ўртача миқдори.

Бу коэффициентнинг усиши корхона кредиторлик қарзларини тулаш тезлигини ошишини, камайиши эса кредитга харидларнинг ошишидан dalolat беради.

Кредиторлик қарзлари айланиши ўртача муддати коэффиценти корхона кредитдорлик қарзларини ўртача тўланиши муддатини (банк мажбуриятлари бошқа қарзлардан ташқари) кўрсатади:

$$K_{krz} = 365 / K_{okrz}$$

Асосий воситалар ва бошқа номатериал активлар кайтими коэффиценти улардан фойдаланиш самарадорлигини характерлаб, бир бирлик воситалар қийматига тўғри келадиган сотиш миқдори билан улчанади:

$$K_{fo} = N / F_{sr}$$

Бу ерда: F_{sr} - давр мобайнидаги баланс-нетто бўйича асосий воситалар ва бошқа номатериал активларнинг ўртача миқдори.

14) оз капитали айланиши коэффиценти унинг айланиши тезлигини кўрсаттиради:

$$K_{osk} = N / SK$$

K_{osk} миқдорининг кескин ошиши сотиш миқдорининг ошишидан далолат беради, чунки у етарлича миқдорда кредитлар билан таъминланиши керак. K_{osk} миқдорининг пасайиши уз воситаларининг бекор туриб қолаётганлигини билдиради.

Қишлоқ хўжалик корхонасининг фойдасига бошқа фаолият йўналишларидан олинган фойдани кўшиб, ундан бошқа фаолият йўналишлари харажатлари ва истъомолга йўналтирилган харажатларни айириб ташласан, корхона ўз капиталининг усиш суммасини топилади. Корхона ўз капитали усиш суммаси плус асосий воситалар амортизациясидан инвестициялар ва ишлаб чиқаришни корхона ўз воситалари ҳисобига молиялаштиришнинг максимал имконияти келиб чиқади. Бу манбаа ҳисобига амалга оширилган инвестициялар улуши қанчалик кўп бўлса ва капитал рентабеллик коэффиценти қанчалик юқори бўлса, корхонанинг иқтисодий барқарорлиги шунчалик юқори булади.

Қишлоқ хўжалик корхонасининг иқтисодий самарадорлиги таҳлили. Баланс таҳлили биринчи навбатда корхонанинг тадбиркорлик бирлиги сифатида узоқ муддатли рентабеллиги ва ликвидлигини аниқлашга қаратилган. Қишлоқ

хўжалиги ишлаб чиқаришини иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш учун биланс таҳлили кўпинча етарли бўлмайди, чунки, қишлоқ хўжалик корхонаси асосий ишлаб чиқаришдан ташқари тадбиркорлик бирлиги сифатида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлмаган бошқа даромад ва харажатлар, фойда ёки зарар кўриши мумкин. Шунинг учун иқтисодий нуқтаи-назардан қишлоқ хўжалик корхонасини хўжалик бирлиги сифатида, яъни, қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган фойда ва зарарларни ҳисобга олмасдан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳисоб-китоблар турли корхоналарда иқтисодий таҳлил ўтказиш ва солиштириш имконини беради.

Юқорида санаб ўтилган рентабеллик ва капитал айланиши таҳлили кўрсаткичларига қўшимча равишда айниқса фермер хўжаликлари учун ялпи даромад(қишлоқ хўжалик фаолиятдан олинган фойда плюс оила аъзолари меҳнат ҳақи)га нисбатан ҳисобланган рентабеллик даражаси муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолатда ялпи даромадга нисбатан рентабеллик коэффициенти ялпи даромадни меҳнат ва ўз капиталини ишлатишнинг алтернатив қийматига нисбати сифатида ҳисобланади. Меҳнатнинг алтернатив қиймати унинг киши-соатлардаги сарфи ва алтернатив фаолият турларидаги мос квалификация буйича меҳнат ҳақи тулаш разряд коэффициентларида аниқланади. Өз капиталини қўйишнинг алтернатив қиймати эса капитал эгаси уни бошқа реал соҳага қўйганда(масалан, банк депозити ёки кимматбаҳо коғозларга) олиши мумкин бўлган суммадан иборат. Рентабелликнинг бу коэффициенти қишлоқ хўжалигида меҳнат ва капитални сарфланиши мумкин бўлган бошқа алтернатив соҳаларга нисбатан қанчалик фойдали эканлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалик корхонаси хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш учун унинг таҳлил қилинаётган йилдаги фаолияти натижаларини олдинги йиллардаги натижалари билан(вертикал бўйича) ва бошқа хўжаликлар натижалари билан(горизонтал бўйича) таққослаш зарур. Бундай таҳлилда нафақат натурал ва қиймат кўринишидаги кўрсаткичлар, балки асосий фондлар билан таъминланиш ва ишлаб чиқаришнинг интенсивлик даражаси кўрсаткичлари ҳам таққосланиши зарур. Қўйидаги жалвалда қишлоқ хўжалик корхоналарининг горизонтал таққослама таҳлили келтирилган бўлиб, бунда ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлиги, харажатлар ва пул, тушуми структураси ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари солиштирилган. Таққосланиш учун фойда, ялпи даромад, капитал

суммаси, харажатлар ва пул тушум суммалари 1га майдонга ёки 1 ишловчига нисбатан олинади. Корхонанинг иқтисодий барқарорлигини акс эттирувчи бу муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб уз капитали миқдорининг ошиш суммаси ҳисобланади

Алоҳида қишлоқ хўжалик тармоқлари иқтисодий самарадорлиги таҳлили бир чегараланган бирлик асосий ишлаб чиқариш омилларида бирига (1 га ер, 1 бош қорамол, бир бирлик меҳнат сарфи ва х-о) тўғри келадиган маржиналаромадни ҳисоблашга асосланган. Маржиналаромадлардан ташқари алоҳида тармоқлар иқтисодий таҳлили учун харажатлар ёки пул тушумнинг алоҳида элементларини кўриш имконини берувчи нисбий натурал кўрсаткичлар ҳам қўлланилади. Буларга экинлар ҳосилдорлиги ва чорва молларининг маҳсулдорлиги, бир литр сутга ёки 1 кг қўшилган тирик вазнга тўғри келадиган озуқа бирлиги, шу жумладан омихта ем сарфи ва бошқалар кириди.

3 Корхонада ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи.

1. Харажатлар ва уларнинг гуруҳларга бўлиш.

1.1. Алтернатив қиймат

1.2. Фойда.

1.3. Ишлаб чиқариш муддатлари.

1.4. Ўзгарувчан ва доимий харажатлар

1.5. Ўртача ва маржинал харажатлар.

2. Қисқа даврда ишлаб чиқариш харажатлари.

3. Узоқ даврда ишлаб чиқариш харажатлари.

4. Харажатларни минимизациялаш.

Корхоналар харажатлари улар ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун қўлланилаётган табиий ва иқтисодий моддий ҳамда меҳнат ресурслардан ташкил топади. Алоҳида олинган ҳар бир фирма маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўз ихтиёрида бўлган ресурслар доирасида ўзгартириши мумкин.

Мақбул ишлаб чиқариш ечимига келиш учун харажатларни ҳисоблаш усулларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бу маҳсулотнинг бозор талаб эгри чизиги орқали ифода этилган истеъмолчилар баҳосини бозор таклифи эгри чизиги орқали ифода этилган ишлаб чиқарувчи қиймати билан комбинациялаш учун зарурдир. Бу икки – талаб ва таклиф - эгри чизиклари биргалликда эркин бозорда сотиладиган ва сотиб олинadиган барча товарларнинг мувозанат баҳосини белгилаб беради. Бу мувозанат баҳолардаги ўзгаришлар истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар учун улар истеъмоллари ва ишлаб чиқаришнинг мослаштириш, улар позицияларини оптимал қайта кўриш учун сигнал бўлиб хизмат қилади.

Корхона бошқарувчилари маҳсулотларга кутиладиган баҳолари, ресурслар қийматлари, ишлаб чиқариш ҳамда техник-технологик алоқалар асосида ишлаб чиқариш режаларини тузади ва уларни ҳаётга татбиқ этади. Ресурслардан фойдаланишдан олинган даромадлар ва харажатлар ўртасидаги мумкин қадар энг юқори фарқга эга бўлинганда маҳсулот ишлаб чиқариш учун қулай шароит яратилади.

Барча ишлаб чиқариш харажатлари икки умумий гуруҳга бўлиниши мумкин: *бевосита харажатлар* ва *билвосита харажатлар*.

Бевосита харажатлар меҳнат ҳақи, машина ва ускуналар таъмири, уруғлик, ёқилғи харид қилиш ва шунга ўхшаш бошқа пул сарфларидан келиб чиқади. Бу сарфлар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, яхшилаш мақсадида қилинади. Бирок, харажатларни оддийгина умумлаштириш ишлаб чиқариш харажатлари юқори самарадорлигини таъмин эта билмайди.

Масалан АҚШдаги оилавий фермаларида бевосита харажатлар жами харажатларнинг учдан бир қисмини ташкил қилади ҳолос.

Билвосита харажатларни ташкил топиш жараёнида пул ресурслари ҳар бир маҳсулот учун алоҳида сарфланмайди, натижада унинг қийматини аниқлашда маълум даражада қийинчиликлар ҳам келиб чиқади. Бундай ресурс турларидан бири бу икки йил ва ундан кўп давр давомида ишлатиладиган ресурслардир. Мисол учун, 40000\$ га харид қилинган трактор кейинги йиллар давомида ҳам ишлатилиши мумкин бўлгани ҳолда унинг қиймати кейинги йиллар операцияларида акс эттирилмайди. Тракторнинг қиймати унинг хизмат қилиш муддати давомида унумдорлигига мос равишда тақсимланиши лозим.

Билвосита харажатларнинг бошқа бир тури фермер ўз меҳнати ва бошқарувчилик қобилиятидан фойдаланишдан келиб чиқади ва ҳар қандай ҳолатда ҳам бошқа ресурслар учун тўловлар туланиб булингандан сўнг шаклланади.

Алтернатив қиймат

Таннарх таркибида хусусий ер қийматини ҳисоблашнинг кенг қабул қилинган усули билвосита(яширин) харажатларнинг иқтисодий маъносига тўғри келади. Хусусий ер учун тўланадиган солиқларни бевосита харажатлар таркибига киритиш мумкин. Лекин, бирон-бир шахснинг маъқул ерга қилган инвестицияларини қайси категорияга киритишимиз мумкин? Албатта, у ёки бу шаклда ушбу ресурсга таалуқли бўлган қиймат сифатида намоён бўлади. Инвестициялар бўйича олинishi мумкин булган алтернатив даромад ёки фоиизлар ердан фойдаланиш қиймати сифатида қаралади.

Тассавур қилайлик, ернинг бир акрини 500\$ га сотишимиз мумкин ва бу пулни йилига 8% ини омонатга қўямиз. Шундай қилиб, ҳар бир акрдан

олинадиган фоиъ қиймати 40\$ни ташкил қилади ва агар сизнинг ҳар бир акрдан оладиган даромадингиз 25\$ни ташкил қилса, сиз ҳар бир акрдан 15\$ йўқотаётган бўласиз. Бу қиймат(40\$)иқтисодчилар алтернатив қиймат деб атайдиган харажатларга мисол бўла олади. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўлланилаётган ресурслардан фойдаланишнинг алтернатив қиймати ёки, бошқача қилиб айтганда, ушбу ресурслардан фойдаланишнинг реал алтернатив имкониятларидан олинган даромад алтернатив қиймат дейилади.

Биз шу тариқа ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган ҳар бир ресурснинг алтернатив қийматини топишимиз мумкин. Демак, *алтернатив қийматлар ҳисобга олинган харажатлар маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини беради*

Фойда

Бозор иқтисодиётида фойданинг уч түрини фарқлаш мумкин:

Бухгалтерия ҳисоби бўйича фойда-ялпи даромад(тушум) ва бевосита харажатлар ўртасидаги фарқ. Бу асосан молиявий кўрсаткич бўлиб, максимал аниқликда аниқланади ва кейинги молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар олиб бориш учун асос бўлиб хизмат қилади;

Иқтисодий фойда-корхонанинг ялпи даромад(тушум) ва жами(бевосита ва билвосита) харажатлари ўртасидаги фарқ. Соф иқтисодий характерга эга бўлиб, фойда шартли миқдорда ва ишлаб чиқаришни максалга мувофиқлигини акс эттиради. Бунда иқтисодий фойда даражаси бошқа корхоналар ва нормал фойда даражаси билан солиштирилади.

Нормал фойда-ишлаб чиқаришга корхона эгаси томонидан сарфланган билвосита харажатлар ёки алтернатив қийматга тенг фойда миқдори.

озгарувчан ва доимий харажатлар қуйидагича гуруҳланади:

Харажатларнинг ҳақиқий маъносини фарқлаб олганимиздан сўнг, энди харажатларни гуруҳларга бўлиш зарур. Харажатлар худди ресурслар каби ўзгарувчан ва доимий харажатларга бўлинади.

Ўзгарувчан харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ўзгаришига қараб ўзгаради, *доимий харажатлар* ҳажми эса ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришидан каттгий назар доимий бўлади. Бу харажатлар бевосита ва

билвосита харажатларни ўз ичига олиб, ўзгарувчан ва доимий харажатлар суммаси корхонанинг ҳажми харажатларининг жамини ташкил қилади.

Ресурслар ва уларнинг қийматларини бундай гуруҳлаш ишлаб чиқариш харажатларининг корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ва бозордаги баҳо ўзгаришларининг ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятига таъсирини ўрганишга шароит яратади.

Ишлаб чиқариш муддатлари

Харажатлар манбааларига таъриф беришдан олдин қандай қилиб ресурслар ўзгарувчан ва доимий ресурсларга ажратилишини аниқлаб олишимиз зарур. Бу ерда нафлиликнинг камайиб бориши билан боғлиқ икки вариант муҳокама килиниши мумкин.

Биринчи вариантда биз мавжуд ресурсларни ўзгарувчан ва доимий ресурсларга ажратиб, қониқарли бўлган бирон бир функционал боғлиқликни танлашимиз ва масалани ечишимиз мумкин. Илмий нуктаи-назардан бунда хатолик бўлмайди. Аммо амалий аҳамияти кам бўлмаган ечимга эга бўламиз.

Қуйида ишлаб чиқаришнинг қисқа ва узоқ муддатлари таърифини берамиз.

Қисқа муддат

Қисқа муддатли ишлаб чиқаришда ресурслар структураси ва ҳажмида ҳеч қандай ўзгаришлар булмайди. Масалан, фермер етиштирган сабзотларини тулиқ егиштириб олган ва уни реализация қилиш ва жойлаштиришда қийинчиликларга дуч келмоқда. Бунда у маҳсулотни етиштириш, саклаш учун сарфланган ресурслар миқдорини ўзгартира олмайди.

Бундан давомлироқ даврда ишлаб чиқарувчи кейинги йил учун ресурслардан фойдаланишни режалаштиради. Мисол учун, мавжуд ер майдони ҳажмини ўзгартирмасдан, ердан фойдаланиш структурасига ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Алоҳида экинлар майдонлари ўзгариши мумкин, лекин, харажатларнинг асосий қисми ўзгармасдан қолади.

Бундан узоқроқ давр икки, беш, ҳатто ўн йилни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Бунда йирик капитал қуйилмалар кўзда тутилмайди, жами ер майдони ҳажми ўзгариши режалаштирилиши мумкин, машина ва ускуналардан фойдаланишда структуравий ўзгаришлар бўлиши мумкин. Қисқа муддатли

ишлаб чиқаришда даврлар давомийлиги турлича бўлиши мумкин, лекин бунда пафликнинг камайиб бориши қонуни доирасида қисқа муддат кўзда тутилади.

Узоқ муддат

Узоқ муддат бу шундай даврки, унинг доирасида барча ресурслар миқдори, ва қиймати шу жумладан, менежментнинг ўзи ҳамда ишлаб чиқариш қувиатлари ўзгариши мумкин. Узоқ ва қисқа муддатлар ўртасидаги фарқ ишлаб чиқариш функциясида доимий, ўзгармас ресурслар мавжудлиги билан шикланади. Умумий қилиб айтганда, узоқ муддатда барча ресурслар ҳамда харажатлар ўзгарувчан, қисқа муддатда эса бир ёки бир неча ресурслар ва харажатлар миқдори доимий бўлади. Демак, харажатларни доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлиш фақат қисқа муддатда мумкин бўлиб, узоқ муддатда барча харажатлар ҳам ўзгарувчандир.

ортача ва маржинал харажатлар

ортача харажатлар-бу бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатларидир. Маржинал харажатлар-бу ишлаб чиқариш ҳажми бир бирлик маҳсулотга кўпайганда жами харажатларнинг ўзгариши ёки бир бирлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар миқдоридир.

Корхонанинг ўртача доимий харажатлари (AFC) доимий харажатларни маҳсулот миқдорига бўлиш орқали топилади:

$$AFC = FC/q$$

Корхонанинг ўртача ўзгарувчан харажатлари (AVC) ўзгарувчан харажатларни маҳсулот миқдорига бўлиш орқали топилади.

$$AVC = VC/q$$

Корхонанинг ўртача харажатлари (AC) жами харажатларни жами маҳсулот миқдорига бўлиш орқали топилади.


$$AC = C/q = AFC + AVC$$

ортача жами ва ўртача ўзгарувчан харажатларнинг эгри чизиклари ўртасидаги фарқ ўртача доимий харажатлар миқдорига тенг.

Маржинал харажатлар MC корхонанинг ишлаб чиқариш миқдори q нинг функциясидир.

$$MC = MC(q).$$

График чизик 1



Маржинал харажатлар MC корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажмига қараб ўзгариб боради. Маржинал харажатларнинг ўзгариши ва ўртача ҳаракатларнинг ўзгариши ўз-ўзига боғлиқ бўлади. Маржинал харажатларнинг ўзгариши ва ўртача ҳаракатларнинг ўзгариши ўз-ўзига боғлиқ бўлади:

$$MC = MC(q) = \frac{dc(q)}{dq} = C'(q) = VC'(q) = MVC.$$

Агар $MC < AC$ ($MC < AVC$) бўлса, унда AC (AVC) камаяди, агар $MC > AC$ ($MC > AVC$) бўлса, унда AC (AVC) ошади. Чунки, маржинал харажатларнинг ўзгариши ва ўртача харажатларнинг ўзгариши ўз-ўзига боғлиқ бўлганда ўртача харажатлар функцияси ҳосиласи AC ва AVC кам бўлганда манфий бўлишидан келиб чиқади:

Агар $MC = C' > AC$ бўлса,

$$AC' = (C'/q)' = (C'q - C)/q^2 = (C' - AC)/q > 0.$$

Шу тариқа маржинал харажатлар MC эгри чизиги ўртача харажатларнинг ўзгариши ва ўртача ҳаракатларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлади. Маржинал харажатларнинг ўзгариши ва ўртача ҳаракатларнинг ўзгариши ўз-ўзига боғлиқ бўлганда ўртача харажатларнинг ўзгариши ва ўртача ҳаракатларнинг ўзгариши ўз-ўзига боғлиқ бўлади.

Келтирилган график чизик 1да маржинал ва ўртача катталиклар функциялари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларнинг универсал характериға эътибор бериш лозим: уларнинг графиклари ўртача катталик функциясининг экстремум нуқтасида кесишади.

Қисқа даврда ишлаб чиқариш харажатлари

Қисқа муддат давомида бирон бир корxonанинг умумий харажатларини C ни ўзгарувчан VC ва доимий FC харажатлари суммаси сифатида кўриб чиқамиз. Тасавур қилайлик, меҳнат L қисқа муддат давомида корxonанинг ягона ўзгарувчан ишлаб чиқариш омили бўлсин ва унинг баҳоси(меҳнат хаки ставкаси) w га тенг бўлсин. Унда

$$C = VC + FC = wL + FC.$$

Корxonанинг маржинал харажатларини ишлаб чиқариш ҳажмига кўра умумий харажатларининг ҳосиласи сифатида олағимиз:

$$MC = \frac{dC}{dq} = \frac{dC}{dL} \cdot \frac{dL}{dq} = \frac{dC/dL}{dq/dL} = \frac{w}{MP_L},$$

бу ерда MP_L -ўзгарувчан оми(меҳнат)нинг маржинал унумдорлиғи.

Корxonанинг ўртача ўзгарувчан харажатлари қуйидағига тенг:

$$AVC = \frac{VC}{q} = \frac{wL}{q} = \frac{w}{AP_L},$$

бу ерда AP_L -ўртача меҳнат унумдорлиғи.

$Q=q(L)$ -меҳнат сарфлари- L ни жами ишлаб чиқариш ҳажми- q билан боғловчи функция бўлсин(корxonанинг қисқа муддатдаги ишлаб чиқариш функцияси). $Q=q(L)$ функциясининг графиги қуйидаги чизмада келтирилган.

График чизик 2




График чизик 3





График чизик 4




$L < L_1$ бўлганда функция қавариқ булади. Бу бўлак меҳнатнинг маржинал маҳсулоти ошадиган ишлаб чиқариш ҳажмларига тўғри келади. $L > L_1$ бўлагида $q(L)$ функция ботиқ бўлиб, меҳнатнинг маржинал маҳсулоти камаядиган ишлаб чиқариш ҳажмларига тўғри келади. Юқоридаги 4-чизмада корхонада қўлланилаётган L меҳнати миқдорига боғлиқ MP_L маржинал маҳсулоти ва AP_L ўртача маҳсулоти функциялари келтирилган.

MC маржинал харажатлар, AVC ўртача ўзгарувчан харажатлар ва AC ўртача умумий харажатларнинг функциялари 5-чизмада келтирилган.

Демак, корхонанинг харажатлари эгри чизигини технология ва омилар унумдорлиги билан тушунтириш мумкин.

График чизик 5



Узоқ даврда ишлаб чиқариш харажатлари

Барча ишлаб чиқариш харажатлари ўзгарувчан бўлган узоқ ишлаб чиқариш муддатини кўриб чиқамиз. Мисол сифатида энг оддий ҳолатни, корхона ишлаб чиқариш жараёнида икки омидан: меҳнат L ва капиталдан K фойдаланган ҳолатни кўриб чиқамиз (ишлаб чиқариш омиллари иккитадан кўп бўлган ҳолатлар учун ҳам шундай).

$q=q(K,L)$ -корхонанинг узоқ муддатдаги ишлаб чиқариш функцияси, $C = wL + rK$ -қиймат(харажатлар) функцияси бўлсин. (Бу ерда w -иш кучи баҳоси(меҳнат хаки), r -капитал баҳоси (капиталдан фойдаланганлик учун рента гуловлари)). У ҳолда корхонанинг узоқ даврдаги ўртача харажатлари қуйидагича ифодаланади:


$$LAC = \frac{C}{q} = \frac{\omega L + rK}{q(K, L)}$$

Тассавур қилайлик, меҳнат ва капиталдан фойдаланиш α марта кўпайган бўлсин ($\alpha > 1$). Унда корхонанинг узоқ муддатдаги ўртача ишлаб чиқариш харажатлари тенглашади

$$LAC = \frac{\alpha(\omega L + rK)}{q(\alpha K, \alpha L)} = \frac{\alpha(\omega L + rK)}{\beta q(K, L)}$$

Шундай қилиб, узоқ даврда ўртача узоқ муддатли харажатлар динамикаси α/β нисбатидан келиб чиқиб, бу ерда β нинг миқдори $q = (\alpha K, \alpha L) = \beta q(K, L)$ тенгласидан келиб чиқади.

Агар $\alpha = \beta$ бўлса, корхонанинг ишлаб чиқариш функцияси ишлаб чиқариш ҳажмлари кенгайишидан доимий ўзгармас даромадга эга дейилади; агар $\alpha > \beta$ бўлса, ишлаб чиқариш функцияси ишлаб чиқариш масштаблари кенгайишидан ошувчи даромадга эга дейилади; агар $\alpha < \beta$ бўлса, пасайувчи даромад билан характерланади. Демак, агар даромад ошса, корхонанинг узоқ муддатдаги ўртача ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши билан камайиши; агар даромад камайса, узоқ муддатли ўртача ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши билан ошади; агар даромад ўзгармас бўлса, узоқ муддатли ўртача ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг каттйий назар ўзгармасдан қолади. Шундай қилиб, корхонанинг узоқ муддатли ишлаб чиқариш харажатлари эгри чизиги ишлаб чиқариш масштаблари ошишига эффектени акс эттиради:



Ишлаб чиқариш ҳажмлари ошишидан келиб чиқадиган ресурслар тежамининг ёки масштаб иқтисодиётининг омиллари қуйидагича ташкил булади:

1) Умумий харажатлар. Ҳар бир фирма, у sanoat ёки қишлоқ хужалик корхонаси бўладими, баъзи керакли ресурсларнинг: бошқарув, бухгалтерия, алоқа воситалари ва бошқаларнинг минимал ҳажмига эга бўлиши лозим. Ишлаб чиқариш ҳажмларининг усиши билан бу харажатлар маълум бир муддатгача сезиларли даражада ошмайди.

2) Ихтисослашиш даражаси.

3) Техник-технологик тизимда тежамкорлик.

Харажатлар минимизацияси

Бу муаммонини ўрганишдан мақсад фойдани максималлаштираётган корхоналарнинг рақобатли ва норақобатли бозор шароитларидаги фаолиятларини баҳолашдир. Бунда улар фаолиятини иккига бўлиб ўрганиш мумкин: харажатларни имкон қадар камайтириш ёки харажатларни минимизациялаш ҳамда корхона учун энг фойдали ишлаб чиқариш даражасини танлашдан иборат. Дастлаб биринчи босқични-харажатларни минималлаштириш масаласини кўриб чиқамиз.

Тассавур қилайлик, биз икки w_1 ва w_2 ишлаб чиқариш омилига эгамиз ва биздан маълум бир u миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг арзон йулини топиш талаб қилинсин. Агар қўлланилаётган омиллардан x_1 ва x_2 миқдорларда фойдаланишни кўзда тутган ва $f(x_1, x_2)$ ни корхона ишлаб чиқариш функцияси деб олсак, бу муаммони қуйидагича акс эттириши мумкин:

$$\min_{x_1, x_2} w_1 x_1 + w_2 x_2$$

$$\text{чунки } f(x_1, x_2) = u.$$

Бу ерда *барча* ишлаб ишлаб чиқариш харажатлари миқдорини ҳисоблашда эътиборга олинishi ва барча ҳисоб-китоблар мос давр бўйича олиб борилишини кўзда тутилиши лозим.

Бу таннарх минимизацияси муаммосининг ечими-исталган миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур харажатларнинг минимум миқдорига

эришиш- w_1, w_2 ва u ларга боғлиқ бўлиб, уни $c(w_1, w_2, u)$ деб ёзиб олинади. Бу функция қиймат функцияси деб аталиб, амалиётда муҳим аҳмият касб этади.

$c(w_1, w_2, u)$ қиймат функцияси u миқдордаги маҳсулотни омиллар баҳоси (w_1, w_2) булганда минимум харажатлар билан ишлаб чиқаришни акс эттиради. Бу муаммони ечимини тўлиқроқ тушуниш учун корхона харажатлари ва технологик хусусиятларини диаграмма кўринишида акс эттириш зарур. Изокванта эгри чизиги бизга технологик хусусиятларни u миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқаришда x_1 ва x_2 ларнинг барча комбинацияларини тасвир этади.

Тассавур қилайлик, маълум бир берилган C даражадаги қийматни берувчи омилларнинг барча комбинацияларини графикда акс эттирайлик. Бу ҳолатни қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$w_1x_1 + w_2x_2 = C$$


бундан


$$x_2 = \frac{C}{w_2} - \frac{w_1}{w_2}x_1$$

келтириб чиқарилди.

Бу ерда аниқ маънога эга бўлмаган $-w_1/w_2$ тўғри чизигини ва C/w_2 нинг вертикал бўлагини кўришимиз мумкин. C сонини ўзгарувчан деб олганлигимиз учун биз изокоста линияларининг бутун бир оиласига эга бўламиз. Изокоста эгри чизигининг ҳар бир нуктаси S нинг мос қийматига эга ва юқорироқ изокоста линиялари юқорироқ қиймат билан ассоциацияланади.

Шундай қилиб, харажатларни минимизациялаш муаммомизни бошқача қилиб қуйидагича изохлаш мумкин: изоквантанинг шундай нуктасини топишимиз керакки, бунда u изокостанинг мумкин бўлган энг пастки нуктасида кесишсин. Бу нукта қуйидаги шаклда акс эттирилган





X2
 изокоста эгри чизиклари

$$K = W_1 / W_2$$

изокванта

$$f(x_1, x_2) = \text{қу}$$

X1

x

Агар оптимальный выбор ҳар бир омилдан фойдаланишни ўз ичига олса ва изокванта текис эгри чизиққа эга бўлса, унда харажатлар минимум нуктаси кесишиш нуктасида бўлади: изоквантанинг оғиши изокостанинг оғишига тенг бўлиши керак, ёки бошқача қилиб айтганда, алмашиниш-урнини босиш пропорцияси омиллар баҳосига мутаносиб бўлиши керак:

$$-\frac{MP_1(x_1^*, x_2^*)}{MP_2(x_1^*, x_2^*)} = TRS(x_1^*, x_2^*) = -\frac{w_1}{w_2} \quad (1)$$

формуладан келиб чиқадиган алгебра муруккаб эмас. Ишлаб чиқарини омилларини маҳсулот миқдорини ўзгармасдан сақланадиган хоҳлаган миқдорда ўзгаришини ($\Delta x_1, \Delta x_2$) кўзда тутайлик. Бу ўзгаришни

$$MP_1(x_1^*, x_2^*)\Delta x_1 + MP_2(x_1^*, x_2^*)\Delta x_2 = 0 \quad (2)$$

кониктириши лозим.

Тассавур қилайлик, Δx_1 ва Δx_2 лар бир-бирига тескари пропорционал кўрсаткичлар бўлсин, маҳсулот миқдори ўзгармаслик шарти бўйича қўлланилаётган бир омил миқдорининг усиши иккинчи омил миқдорининг камайишига олиб келсин ва аксинча.

Агар таннарх минимумига эга бўлинса, унда бу ўзгариш харажатларни камайтира олмайди ва қуйидагига эга бўлинади:

$$w_1\Delta x_1 + w_2\Delta x_2 \geq 0. \quad (3)$$

Энди ($-\Delta x_1, -\Delta x_2$) ўзгаришларни кўриб чиқамиз. Бунда ҳам ишлаб чиқиладиган маҳсулот миқдори ўзгармайди ва таннарх минимумига эгамиз. Бу қуйидагича акс эттирилади:

$$-w_1\Delta x_1 - w_2\Delta x_2 \geq 0. \quad (4)$$

ва (4) формулаларни бирлаштириш бизга қуйидагини беради:

$$w_1\Delta x_1 + w_2\Delta x_2 = 0. \quad (5)$$

ва (5) формулаларнинг $\Delta x_1 / \Delta x_2$ учун ечимидан

$$\frac{\Delta x_2}{\Delta x_1} = -\frac{w_1}{w_2} = -\frac{MP_1(x_1^*, x_2^*)}{MP_2(x_1^*, x_2^*)}, \quad (6)$$

келиб чиқиб, бу юқорида геометрик усулда келтирилган харажатлар минимизацияси муаммосининг шартидир.

Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш

Ушбу бобда корхоналарнинг қисқа ва узоқ муддатда ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолавчи йиллик ҳисоботлар, мақсадга эришишнинг алтернатив йўллари муҳокама этилади. АҚШ корхоналарининг йиллик ҳисоботи асосан камида 3 қисмдан иборат бўлади. (1)Даромадлар баенномаси (2) Корхона баланси (3) ва нақд пул оқими баенномасидир.

Баланс сўзининг маъносидан кўришиб турибдики, корхонанинг умумий активлари корхона мажбуриятлари ва қолдиққа тенг бўлиши керак, ёки

$$\text{Қолдиқ} = \text{умумий активлар} - \text{умумий мажбуриятлар}$$

Жадвал № 9

Корхона баланси структураси

Жорий активлар	100 \$	Жорий мажбуриятлар	75\$
Бошқа активлар	500\$	Бошқа мажбуриятлар	200\$
		Умумий мажбуриятлар	275\$
		Қолдиқ	325\$
Умумий активлар	600\$	Умумий активлар	600\$
		Қолдиқ	

Корхона балансини баҳолашда ёки анализ қилишда асосан 2 та коэффициентдан фойдаланилади, яъни жорий ва тулов қобилияти коэффициентлари (Current and solvency ratio). Жорий коэффициент корхонанинг ликвидлигини аниқлаб беради, яъни ишлаб чиқаришнинг корхона баланси гайёрланган кунги ҳолатида корхонанинг жорий активлари жорий мажбуриятлардан ортиқ бўлиши керак, ушбу ҳолатда биз корхонани ликвид ҳолатда дея оламиз (жорий активлар > жорий мажбуриятлар ва жорий коэффициент қуйидагича топилади $1.33=100 + 75$)

Тулов қобилияти коэффициенти эса корхонанинг бутун активларининг мажбуриятларни тўлашга қодирлигини кўрсатади, уни топиш учун умумий активлар умумий мажбуриятларга бўлинади ($2.18= 600 + 275$). Ҳар 2 ла коэффициент ҳам камида 1 дан катта бўлиши лозим. Булардан ташқари балансни тавсифловчи бошқа кўрсаткичлари ҳам мавжуд. Накд эквивалентлар балансининг бошқа молиявий активларини, жумладан нақд ҳисоблар депозит сертификатларини ўзида акс эттириб нақд пулга тез айланишини кўрсатади. Дебиторлик қарзлар (accounts receivable) корхонанинг қисқа даврда бошқа корхоналардан оладиган пуллари дир, яъни бошқа корхоналар тулов сифатида тўлашади. Инвенторлар (Inventors) – корхонанинг ҳозирда мавжуд сотилмаган

махсулот фондлари ва ишлатилмаган ўзгарувчи харажатлар фондлари тушинилади. *Амортизация (эскириш-depreciation)* - активлар қийматининг истеъмолга ўтиб бориши ёки активларнинг йил давомида эскириши тушинилади. *Берилган векселлар(notes payable)* корхонанинг қисқа муддатда унинг бўлиши шарт бўлган шарт тушинилади. *Кредиторлик қарзлари (accounts payable)* корхонанинг бошқаларга хали тўламаган қарзлари тушинилади. *Корхонанинг хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи (business income statement)*да асосан иккита компонент мавжуд, яъни тушум ва харажатлар. Қуйида корхона хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи таркибини келтирамиз.

Жадвал №10

Корхона хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи

Сотишдан тушган тушум	100.00\$
Бошқа тушумлар	25\$
УМУМИЙ ТУШУМ	125\$
озгарувчи харажатлар	50\$
озгармас харажатлар	25\$
УМУМИЙ ХАРАЖАТЛАР	75\$
Солиқ тўлангунча бўлган даромад	50\$
Тўланадиган солиқ суммаси	10\$
СОФ ДАРОМАД	40\$

Бу ерда:

Соф даромад = умумий тушум - умумий харажатлар - солиқлар

Корхонанинг хўжалик фаолиятини баҳолашда статистиклар асосан 2 та кўрсаткичдан фойдаланишади, булар *ялпи коэффицент (gross ratio)* ва *кайтимнинг қолдикка нисбатидир (rate of return on equity)*. Ялпи коэффицент

корхонанинг иқтисодий самарадорлиги баҳоловчи кўрсаткич бўлиб, умумий харажатларни умумий тушумга бўлиш билан топилади ($0.60=75+125$) ёки бошқача айтганда сарфланган харажатнинг тушумга нисбатидир. Бизнес(корхона) иложи борича уни пасайтиришга ҳаракат қилади. *Кайтимнинг қолдиққа нисбатини топиш* учун корхонанинг хўжалик фаолитидаги соф даромадни корхона балансидаги қолдиққа тақсимлаш орқали топилади ($0.123=40+325$) Ушбу қиймат корхонага инвесторни жалб этишида фойдаланилади. Қиймат, яъни қайтим қанчалик катта бўлса, шунча бизнесга қизиқиш ортади. Қуйида Farmland Industries компаниясининг корхона балансини ҳавола этамиз:

Жадвал№11

Farmland Industries компаниясининг корхона баланси

	1997 йил 31 август ҳолати, Млн.\$	1996 йил 31 август ҳолати, млн \$	Ҳоизда ўзгариши, %
Жорий активлар:			
Дебиторлик қаралари	589.0	624.0	-5.6
Инвенторлар	745.3	736.6	1.2
Бошқа жорий активлар	94.2	101.7	-7.4
Жами жорий активлар	1,428.6	1,462.4	-2.3
Бошқа активлар :			
Завод ва ускуналар	1,585.8	1,506.5	5.3
Амортизация ажратмаси	802.7	789.2	1.7
Завод ва ускуналар соф қиймати	783.1	717.2	9.2
Инвестициялар ва узоқ даврда олинадиган тушумлар	266.6	241.1	10.6
Бошқа активлар	167.1	147.7	13.1
Умумий активлар	2,645.3	2,568.4	3.0

Жорий мажбуриятлар:

Жорий кредитлар ва олинган векселлар	308.9	396.5	-22.1
Кредиторлик қарзлари	366.3	392.4	-6.7
Бошқа жорий мажбуриятлар	419.7	351.3	19.4
Жами жорий активлар	1,186.4	1,140.3	4.0
Бошқа мажбуриятлар :			
Жами узоқ муддатли қарзлар	614.1	652.2	-5.8
Ҳисобланган даромад солиғи	3.9	6.7	-41.8
Бошқа мажбуриятлар	18.8	13.8	36.2
Капитал улуши ва қолдиқлар	821.9	755.3	8.8
Умумий мажбуриятлар ва қолдиқ	2,645.3	2,568.4	3.0

Source: Farmland industries 1997 annual report, Kansas City, Mo 1997.

Қуйидаги жадвалда эса Жон Дир (John Deere or Deere & Company) компаниясининг хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини хавола этамиз:

Жадвал №12

Жон Дир (John Deere or Deere & Company) компаниясининг хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи

	1996 йил яқуни, Млн. \$	31 октябр 1995 йил, Млн. \$	Фоизда ўзгариши, %
Соф сотув ва тушумлар:			
Қишлоқ хўжалик ва саноат жихозлари сотишдан тушган тушум	9,640	8,830	9.2

Молиявий ва фоизлардан келган даромадлар	763	660	15.6
Бошқа даромадлар	826	801	3.1
Жами соф сотув ва тушумлар	11,229	10,291	9.1
Таннарх ва харажатлар:			
Сотилган товарлар таннархи	7,460	6,922	7.8
Тадқиқот ва ривожлантиришга	370	327	13.1
Сотиш ва асосий харажатлар	1,147	1,002	14.5
Фоиз харажатлари	402	393	2.3
Бошқа харажатлар	563	554	1.6
Жами таннарх ва харажатлар	9,942	9,198	8.1
Солиқ тулангунгача бўлган даромадлар	1,287	1,093	17.7
Даромаддан ҳисобланган солиқ	480	398	20.6
Барқарор гуруҳ даромади (income of consolidated group)	807	695	16.1
Барқарор дочерлик компаниялари ва филиаллардан олинган даромад (Income from unconsolidated subsidiaries and affiliates)	10	11	9.1
Соф даромад	817	706	15.7
Ҳар бир акцияга тўғри келган даромад	3.14	2.71	15.9

Source: Deer & Company 1996 annual report, Moline, Ill, 1996. Deer and Company

Юқорида кўриб утилган корхона баланси ва хужалик фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар бизга қандай қилиб

бизнесни ташкил қилиш, активлардан самарали фойдаланиб даромад қилишни кўрсатади. Ушбу маълумотлардан фойдаланиб :

Бизнес(корхона) ликвидлиги(йил якуни бўйича)

Йил якуни бўйича бизнес(корхона) тулов қобилияти

Жорий операциялар иқтисодий самарадорлиги

Жорий операциялар даромадлилиги

Таҳлил қилинади.

Ликвидлик- бизнес(корхона) активларининг тезлик билан ва ҳеч қандай йўқотишсиз ишлаб чиқариш фаолиятига киришига айтилади. Ликвидликни ҳисоблашда жорий коэффицентдан(current ratio) фойдаланилади, яъни жорий активлар жорий мажбуриятларга тақсимланади (мисол учун: Farmland Industries компанияси мустахкам ликвид ҳолатида $1.20 = 1,428.6 \text{ млн } \$ + 1,186.4 \text{ млн } \$$ деполамит)

Тулов қобилияти коэффиенти (solvency ratio) ни топиш учун баланснинг умумий активлари қиймати умумий мажбуриятларга бўлинади. Тулов қобилияти коэффиенти бизнес(корхона) нинг агар бизнес муваффақиятсизликка учраганда олинган қарзларини тўлай олиш қобилиятини кўрсатади (М.у. Farmland Industries компанияси тулов қобилияти коэффиенти $1.45 = 2,645.3 \text{ млн } \$ + 1,823.4 \text{ млн } \$$)

Иқтисодий самарадорлик – бизнеснинг сарфланган ресурсларга нисбатан олинган нафти ёки натижасидир¹. Ялпи коэффицент иқтисодий самарадорлик коэффицентларидан биридир, уни ҳисоблаш учун жами таннарх ва харажатлар жами сотув ва тушумга бўлинади. (м.у. Deeg & Company нинг ялпи коэффиенти $88.5\% = 9,942 + 11,229$)

Бизнес (корхона) даромадлилигини бир қанча йўллар билан ҳисоблаш мумкин. Шулардан бири корхонанинг сўнгги йиллардаги соф даромадини кузатишдир. Яна бир йўли қайтимни мавжуд қолдик капиталга тақсимлаш йўли билан ҳам топиш мумкин.

Бизнес (корхона) ўзининг йиллик харажатларини билиши лозим, ушбу харажатларни камайтириш йўли билан оладиган фойдани ошириши мумкин. Харажатларнинг 2 концепцияси мавжуд бўлиб, яъни уларни *бевосита (explicit)*

на билвосита (*implicit*) турларга ажратишади. Бевосита харажатлар- бу кўриниб турган харажатлардир-уруғ, ўғит, трактор ва умуман корхонанинг хужалик фаолияти ҳисоботида акс эттириладиган барча харажатлардир. Билвосита харажатларни кўринмас харажатлар ёки имкониятдаги харажатлар ҳам дейиш мумкин, яъни, масалан, фермернинг бизнесидаги ҳақ тўланмайдиган ҳисоботларда акс эттирилмайдиган имкониятдаги харажатлардир (қўшимча ишлаш, олдинги маблағларини сарфлаш ва ҳок.) Ишлаб чиқариш жараёни давомийлигини 2 даврга бўлишиди, *киска (short run) ва узун (long run)* даврлар. Қисқа даврда айрим харажатлар ўзгармасдан қолади, масалан, мулк солиғи, сугурта тўлови, кўчмас мулк учун фоиш тўловлари. Узун даврда эса ҳамма нарса ўзгариш тенденцияси мавжуд. Қисқа даврда бизнеснинг ҳажмига қараб ўзгарадиган харажатларни ўзгарувчан харажатлар деб атаймиз, масалан, иш кучи, ўғит, ёкили.

Шундай қилиб харажатларни куйидаги езиш мумкин:

Умумий харажатлар қ ўзгарувчан харажатлар Қ ўзгармас харажатлар

Шунингдек, *тушум (revenue)* – деган тушунча ҳам мавжуд:

Умумий тушум қ маҳсулот нархи % ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори

Бошқача айтганда тушум корхонанинг жами сотуви бўлиб, у ўзида таннарх ва даромадни акс эттиради. Қачонки умумий тушум умумий харажатдан ошсагина, корхона фойда олиши мумкин. Олинадиган даромадни 2 тўрга ажратишади *иқтисодий* ва *бухгалтерия* фойдаси.

Бухгалтерия даромади (фойдаси) ўзида барча бевосита, яъни кўринадиган харажатларни акс эттиради. У куйидагича топилади:

Бухгалтерия даромади (фойдаси) қ Умумий тушум- умумий харажатлар

Масалан, ўзгармас харажатлар 75\$, ўзгарувчан харажатлар 310\$ ва умумий тушум 450\$ бўлса:

Бухгалтерия даромади (фойдаси) = 450\$ - (75\$ + 310\$) = 155\$ бўлади.

Иқтисодчилар назари билан қараганда даромадга кўринмас, билвосита харажатларни ҳам кўшишади. Масалан, фермернинг олдинги илгаридан бўлган даромади, ёки ишлаб чиқаришда оиласининг ёрдами ва шунга ухшаш имкониятдаги харажатларни ҳам иқтисодчилар қўшиб ҳисоблашади. Шунини учун:

Иқтисодий даромад (фойда) = Умумий тушум - умумий харажатлар
 билвосита харажатлар

Ёки:

Иқтисодий фойда = Бухгалтерия фойдаси - билвосита(қўринма)
 харажатлар

4 ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЕТИ ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ НИМАДАН ИБОРАТ?

- ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган иқтисодий муносабатлар кишилар ўртасида ишлаб чиқариш муносабатлари
- қишлоқ хўжалигида умумий иқтисодий қонунларни амал қилиши ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган иқтисодий муносабатлар қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш
- қишлоқ хўжалигини ўзига хос қонуниятларини намоён бўлиши қишлоқ хўжалигида умумий иқтисодий қонунларни амал қилиши ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган иқтисодий муносабатлар
- иқтисодий тадқиқот усуллари қишлоқ хўжалиги тараққиёти тарихи ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган иқтисодий муносабатлар
- қишлоқ хўжалигини тараққиёти тарихи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда нормативларни шақиллари

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЕТИ ФАНИНИНГ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ НИМАДАН ИБОРАТ

- иқтисодий-статистик монографик тарихий норматив биологик иқтисодий-математик тажриба ўтказиш
- монографик иқтисодий-статистик тарихий иқтисодий-математик тажриба ўтказиш
- тарихий норматив баланс иқтисодий-математик конструктив
- норматив биологик иқтисодий-математик баланс тажриба ўтказиш
- биологик иқтисодий-математик тажриба ўтказиш баланс норматив

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЕТИ ФАННИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ

- иқтисодий ҳодисаларнинг таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ва ихтисослаштиришни илмий асосланган режаларини ишлаб чиқиш
- қишлоқ хўжалигида ер сув ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан самарали фойдаланиш йўллари аниқлаш АСМда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш йўллари аниқлаб бериш
- қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнатни ташкил этиш шақилларни такомиллаштириш АСМ да тармоқлар иқтисодий самарадорлигини ошириш
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни такомиллашган технологиясини ишлаб чиқиш АСМ да тармоқлар иқтисодий самарадорлигини ошириш
- ишлаб чиқаришни интенсиф ривожлантириш ва уни самарадорлигини ошириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш АСМ да тармоқлар иқтисодий самарадорлигини ошириш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЕТИ ФАНИ ҚАЙСИ ФАНЛАР БИЛАН БОҒЛАНГАН?

- Математика, тарих, иқтисодий назария.
- Табiiй ва гуманитар фанлар

- Қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, иқтисодий назария, қишлоқ хўжалик статистикаси, бухгалтерия ҳисоби ва бошқалар
- Математика, иқтисодий назария ва гуманитар фанлар
- Тўғри жавоб йўқ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ КЎРСАТИЛГАН ЖАВОБНИ КЎРСАТИНГ

- Қишлоқ хўжалигида ер, усимлик дунёси, биологик воситалардан фойдаланилади, ер бош ишлаб чиқариш воситаси
- Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёни табиат билан бевосита боғлиқ, ишлаб чиқариш иқлим шароитига боғлиқ.
- Тармоқда сув муҳим рол ўйнайди, иш вақти ишлаб чиқариш вақтига тўғри келмайди.
- Қишлоқ хўжалигида нархлар ва ишлаб чиқариш ҳажмлари давлат буюртмаси асосида белгиланади.
- Қишлоқ хўжалигида тармоқ ўзининг ишлаб чиқариш жараёнида тайёр маҳсулотнинг маълум қисми келгуси давр ишлаб чиқаришга сарфлайди.

АСМ ДЕБ НИМАГА АЙТИЛАДИ

- қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган тармоқларини мажмуига айтилади
- қишлоқ хўжалиги ва саноатни қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи ва маҳсулотни қайта ишловчи тармоқлар йиғиндисига
- мамлакатни қишлоқ хўжалиги хом-ашёси ва озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида бирлашган халқ хўжалиги тармоқларига
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва истеъмолчига етказиб берувчи тармоқлар мажмуига
- тўғри жавоб йўқ

АСМ ПИРОВАРД МАҲСУЛОТИ ДЕБ НИМАГА АЙТИЛАДИ

- маълум давр ичида яратилган маҳсулот миқдорига
- истеъмол қилинган озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари миқдорига
- қишлоқ хўжалигидан озиқ-овқат ва енгил саноат учун етказиб берилган маҳсулот ҳажмига ва саноат маҳсулотининг миқдорига
- маълум бир давр ичида яратилиб шахсий ва ишлаб чиқариш истеъмолига етказиб берилган маҳсулот ҳажмига
- тўғри жавоб йўқ

ИНФРАТУЗИЛМА ДЕГАНДА

- иқтисодий ва ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг нормал шароитларини таъминлашга қаратилган комплекс тармоқ ва ишлаб чиқаришлар тушунилади
- қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган тармоқларнинг мажмуи тушунилади
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади
- юқоридаги жавобларнинг ҳаммаси тўғри
- тўғри жавоб йўқ

АСМ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ БЕЛГИЛАРИ БЎЙИЧА ТУРЛАРИ

- Ишлаб чиқариш жараёнига таъсири даражаси бўйича, ҳудудий белгиси бўйича, тармоқ белгиси бўйича, функционал белгиси бўйича
- АСМда инфратузилма атамаси мавжуд эмас
- Халқ хужалиги бўйича, регионлар бўйича ва локал
- Сфера(соҳа)лар бўйича, қишлоқ хужалигига хизмат қилиш бўйича ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш бўйича
- тўғри жавоб йўқ

ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМА ДЕБ НИМАГА АЙТИЛАДИ

- Ишлаб чиқариш жараёнида ходимларнинг самарали ҳаракат қилиши учун зарурий шароитларни яратишга йўналтирилган жамият ишлаб чиқарувучи кўчларининг бир қисмига айтилади
- Давлатнинг аҳолини меҳнат ҳақи ва ижтимоий нафақалар билан ўз вақтида таъминлашга йўналтирилган ва ишлаб чиқарилган чора-тадбирларга айтилади
- Тиббиёт ва мактабгача болалар муассасалари, умумий овқатланиш ташкилотлари, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, меҳнат муҳофазаси бўйича хизматлар ва бошқаларнинг барисига айтилади
- Юқоридаги жавобларнинг бариси тўғри
- Тўғри жавоб йўқ

ТОВАР МАХСУЛОТ ДЕБ НИМАГА АЙТИЛАДИ?

- 1 йил давомида етиштирилган маҳсулотлар йиғиндисининг пулдаги ифодасига ва сотиш учун мўлжалланган қисмига
- маҳсулот етиштириш учун қилинган харажатларнинг пулдаги ифодасига
- сотилган маҳсулотлар йиғиндисининг пулдаги ифодасига
- ялпи маҳсулотларнинг бозорнинг барча каналлари орқали сотишга мўлжалланган қисмига
- тўғри жавоб йўқ

БАҲО ТУШУНЧАСИНИ КЎРСАТИНГ:

- маҳсулот етиштириш ва реализация харажатларининг пулдаги ифодаси
- маҳсулот реализациясидан олинган пул даромадига
- товар қийматини пулдаги ифодаси
- товарни ишлаб чиқариш харажатларининг пулдаги ифодаси
- тўғри жавоб йўқ

БАҲО ҚАНДАЙ ВАЗИФАНИ БАЖАРАДИ?

- товар қийматини акс эттириш тўлов воситаси тақсимлаш функциялари
- тўлов ҳисоб тақсимлаш функцияларини
- ҳисоб мутаносиблигини сақлаш, рағбатлантириш, тақсимлаш функциялари
- ҳисоб товар қийматини акс эттириш, тақсимлаш, тўлов воситаси функцияларини
- тўғри жавоб йўқ

ДЕҲҚОН ХҲЖАЛИГИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАДАН ИБОРАТ

- деҳқонларда ердан самарали фойдаланиш асосида кўп ва арзон маҳсулот етиштириш имкониятини беради
- деҳқончиликда эгаллик ҳиссини уйғотиб деҳқонлар моддий манфаатдорлигини оширади ва даромадини кўпайтиради
- хусусий мулкчиликка асосланганлигида
- ерларни хусусийлаштириш имконини беради
- тўғри жавоб йўқ

ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХҲЖАЛИКЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ДАВРДАГИ ВАЗИФАЛАРИ НИМАДАН ИБОРАТ

- қўшимча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бозорда маҳсулотларни баҳосини арзонлаштириш қишлоқ аҳолисини пул даромадини ошиши
- маҳсулот таннархини пасайтириш рентабелликни ошириш
- меҳнат унумдорлигини ошириш маҳсулот таннархини пасайтириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, социал тарбиявий вазифа бўш ётган ерлардан самарали фойдаланиш
- ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш

ИЖАРАНИ МОҲИЯТИ НИМАДАН ИБОРАТ

- айрим ишловчи ерни шартнома асосида ижарага олади
- ишловчи ер ишлаб чиқариш воситалари давлатдан ёки жамоа хўжалигидан шартнома асосида ижарага олинади
- ишловчилар хўжалик билан маълум турдаги ва белгиланган миқдорда маҳсулот етиштириш учун шартнома тузади
- айрим ишловчилар билан хўжалик маъмурияти ўртасидаги иқтисодий муносабатлар
- тўғри жавоб йўқ

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК ДАРАЖАСИ БЎЙИЧА ИЖАРА ШАКЛЛАРИНИ КЎРСАТИНГ

- эркин ёки соф ижара мақсадли ёки ижара пудрати
- ижара пудрати мустақил ижара оилавий пудрат
- мустақил ижара оилавий ижара хўжаликдан ташқари ижара
- хўжаликдан ташқари ижара хўжалик ичидаги ижара
- ижара пудрати шахсий ижара оилавий ижара

ФЕРМЕР ХҲЖАЛИГИНИНГ ҲОЗИРГИ ДАВРДАГИ ВАЗИФАЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, бозордаги маҳсулотлар баҳосини арзонлаштириш, қишлоқ аҳолисини пул даромадини ошириш
- Маҳсулот таннархини пасайтириш, рентабелликни ошириш
- Маҳсулот унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш
- Бўш ётган ерлардан самарали фойдаланиш
- Тўғри жавоб йўқ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШНИНГ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАРИ МАВЖУД?

- Деҳқон, фермер хўжалиги, ижара, жамоа, давлат, шахсий, ёрдамчи, ширкат хўжаликлари
- Деҳқон, фермер хўжалиги, ижара, давлат, шахсий, ёрдамчи, ширкат хўжаликлари, ҳиссадорлик жамияти шаклидаги қўшма корхоналар
- Деҳқон, жамоа, хусусий, давлат, ҳиссадорлик жамияти шаклидаги қўшма корхоналар, аралаш корхоналар
- Давлат, жамоа, деҳқон, хусусий, ижара ва қўшма корхоналар
- Тўғри жавоб йўқ

КООПЕРАЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ НИМАДАН ИБОРАТ?

- хўжаликлар ёки айрим шахслар маълум бир маҳсулот ишлаб чиқариш учун бирлашишларига
- хўжаликлар ёки ишловчилар ўз маблағларини ресурсларини маълум бир маҳсулот етиштириш учун ўз хоҳишлари билан бирлашишларига
- кичик хўжаликларни бирор бир маҳсулот ёки мақсадни кўзлаб бирлашишлари
- айрим ишловчилар ёки хўжаликлар ўз маблағларини техника харид қилиш ёки йирик иншоотни барпо этиш учун ва умумий мақсадга эришиш учун бирлашишларига
- тўғри жавоб йўқ

КООПЕРАТИВЛАРНИНГ ТИПЛАРИНИ КўРСАТИНГ

- молиявий суғурта маҳсулот тайёрловчи
- суғурта маҳсулот тайёрловчи матлубот
- маҳсулот тайёрловчи ишлаб чиқарувчи матлубот
- ишлаб чиқарувчи матлубот аралаш
- матлубот хўжалик ичида хўжаликдан ташқари

ХАЛҚАРО КООПЕРАЦИЯНИНГ ТАШКИЛ ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИНИ КўРСАТИНГ

- хилма-хил типдаги хўжаликларни ихтиёрий бирлашиб ҳамкорлик қилиши: хўжаликлар мустақиллигини сақлаб қолиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва бошқалар
- меҳнат унумдорлигини ошириш таннархни пасайтириш ишлаб чиқаришни илмий асосида ташкил этиш
- таннархни пасайтириш асосида маҳсулот ҳажмини кўпайтириш
- рентабелликни ошириш асосида меҳнат унумдорлигини ва таннархини пасайтириш
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида ходимлар манфаатдорлигини ошириш хўжалик мустақиллигини сақлаб қолиш, ишлаб чиқаришни ва сотиш ҳажмини кўпайтириш

КОРХОНАЛАРНИ АКЦИЯЛАШТИРИШДАН МАҚСАД НИМАДАН ИБОРАТ?

- мулкчиликни хилма-хил шакллارни вужудга келтириш
- мулкни эгасига қайтариш

- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштириш, турли шакллари вужудга келтириш пул ва моддий ресурсларда самарали фойдаланиш
- мулкни хусусийлаштириш
- айрим корхона шахслар ташкилотларни ортиқча пул ва моддий ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб этиш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШНИ ҚАНДАЙ АКЦИОНЕРЛИК ШАКЛЛАРИ МАВЖУД БЎЛИШИ МУМКИН?

- агроконсорциумлар (халқ хўжалигини акционерлик корхоналарининг бирлашмаси), аралаш кооператив хўжаликлар
- акционерлик жамиятлари
- алоҳида акционерлик қишлоқ хўжалиги корхонаси халқ хўжалигининг акционерлик корхоналарини бирлашмаси
- акционерлик ижара хўжаликлари
- кооператив ва акционерлик хўжаликлари

ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИНИНГ БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДАН ФАРҚИ НИМАДАН ИБОРАТ?

- ер давлат мулки бўлганлиги ишлаб чиқариш воситалари билан давлат томонидан таъминланиши ва давлатдан ёрдам
- давлат маблағлари ҳисобига ташкил этилганлиги давлат томонидан бошқарилганлиги ва бошқалар
- ишлаб чиқариш жараёнларини давлат органлари буйруғига асосан ташкил этилиши
- кўрилган зарарни давлат томонидан қопланиши
- олинган фойдани давлат ихтиёрига ўтиши

ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ЙЎЛЛАРИНИ КЎРСАТИНГ давлат хўжаликлари структурасидан деҳқон хўжаликларини ажралиб чиқиши мулкни ходимларга тақсимлаб бериш хўжаликни мустақиллигини ошириш

- мулкни ишловчиларга тақсимлаб бериш кооператив хўжаликларга айлантириш хўжалик мустақиллигини ошириш
 - кооператив хўжаликларига айлантириш ижара корхоналарига акционерлик корхоналарига айлантириш хўжаликларни мустақиллигини ошириш қўшма корхонага айлантириш
 - ижара корхоналарига айлантириш акционерлик хўжалик юритиш шаклига айлантириш кооператив хўжалик юритиш шаклига айлантириш, хўжаликларни мустақиллигини ошириш
- хўжалик юритишни акционерлик шаклига ўтиш хўжаликлар маъмурияти функциясини тубдан ўзгартириш қўшма корхона шаклига айлантириш

РЕСУРС ПОТЕНЦИАЛИ ТУШУНЧАСИНИ КЎРСАТИНГ

- меҳнат предмети ва меҳнат воситаларининг мажмуаси
- барча турдаги мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларининг йиғиндиси
- етиштирилган маҳсулотлар кўп йиллик дарахтлар экинзорлар яйловлар ва харажатлар йиғиндиси
- машиналар бинолар иншоотлар уруғлик химиявий воситалар ёқилги мойлаш материаллари йиғиндиси

- тўғри жавоб йўқ

РЕСУРС ПОТЕНЦИАЛИНИ МИҚДОРНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИНИ КўРСАТИНГ

- ерларнинг ҳосилдорлигига қараб ишлаб чиқариш харажатлари
- қиймати асосида моддий ресурслар қиймати шаклида ҳисоблаш ва корреляцион-регрессион анализ асосида
- қишлоқ хўжалиги ерлари майдони ҳисобида ягона ўлчов бирлигига келтириш
- корреляцион - регрессион анализ асосида
- ишлаб чиқариш ресурсларини қиймат шаклида баҳолаш қишлоқ хўжалиги ерлари майдони ҳисобида ягона ўлчов бирлигига келтириш корреляцион регрессион анализ асосида
- маҳсулот таннархи асосида ерларни ҳосилдорлигига қараб ҳисоблаш

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланиш САМАРАДОРЛИГИ УМУМИЙ КўРСАТКИЧЛАРИНИ КўРСАТИНГ

- айланма воситаларнинг айланиш коэффеценти
 - фонд сизими ва фонд қайтими
 - ресурс сизими ва ресурс қайтими
 - маҳсулот таннархи
- меҳнат унумдорлиги

Қишлоқ хўжалигида ернинг асосий ишлаб чиқариш восита сифатидаги тушунчаси нимадан иборат

- ўсимликларни ривожланиш муҳити, хўжаликларни жойлаштиришнинг ҳудудий базаси, ишлаб чиқариш воситаси ва меҳнат предмети
 - қишлоқ хўжалиги тармоғи мавжудлигининг асосий манбаи, корхоналар-ни жойлаштиришнинг ҳудудий базаси, ишлаб чиқариш воситаси ва меҳнат предмети, қазилма бойликлар манбаи
 - ўсимликларни озиклантириш манбаи, корхоналарни жойлаштиришнинг ҳудудий базаси, ишлаб чиқариш воситаси ва меҳнат предмети
 - қишлоқ хўжалиги тармоғининг асосий манбаи, асосий ишлаб чиқариш воситаси ва меҳнат предмети
- тўғри жавоб йўқ

Қишлоқ хўжалигида ерни асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги хусусиятларни кўрсатиш

- табиат инъом этган бойлик бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан алмаштириб бўлмаслиги, жойлашган ўрнининг доимийлиги, миқдор жиҳатдан чекланганлиги, тўғри фойдаланганда емирилмаслиги
- инсон меҳнатининг маҳсули бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан алмаштириб бўлмаслиги, жойлашган ўрндан кўчириш мумкинлиги, миқдор жиҳатдан чекланганлиги, ишлаб чиқариш жараёнида ўз хусусиятларини йўқотиши
- табиат инъом этган бойлик, миқдор жиҳатидан кенгайтириш мумкинлиги, тўғри фойдаланилганда емирилмаслиги, жойлашган ўрнининг доимийлиги
- инсон меҳнатининг маҳсули эканлиги, тўғри фойдаланилганда емирилмаслиги, жойлашган ўрнининг доимийлиги, миқдор жиҳатдан кенгайтириш мумкин эмаслиги
- тўғри жавоб йўқ

ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ТУРЛАРИНИ КЎРСАТИНГ

- Табиий, сунъий, самарадорлик
- Интенсив, табиий, иқтисодий
- Салоҳиятли, интенсив, мутлоқ
- Нисбий, сунъий, табиий
- Иқтисодий, сунъий, табиий

ЕРДАН ФЙДАЛАНИШНИ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРНИ КЎРСАТИНГ

- 1 ходим ҳисобига олинган ялли маҳсулот, сўм; бир гектар шартли ҳайдаладиган ер ҳисобига етиштирилган ялли маҳсулот, сўм
- 1 сўмлик асосий воситалар ҳисобига етиштирилган ялли маҳсулот; бир гектар шартли ҳайдаладиган ер ҳисобига етиштирилган ялли маҳсулот, сўм
- 1 га ҳайдаладиган қишлоқ ҳўжалигига яроқли ерлар экин майдонлари ҳисобига етиштирилган дон, пахта, сабзавот, сўт-гўшт ц, ялли маҳсулот ва бошқалар
- 1 га экин майдонига тўғри келадиган харажатлар қиймати ялли даромад соф даромад
- 1 ишловчи ҳисобига бир сўмлик ишлаб чиқариш воситаларига бир гектар ҳайдаладиган ерлар ҳисобига олинган ялли маҳсулот ва бошқалар

ЕРЛАРДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИНИ КЎРСАТИНГ

- ерга бўлган мулкчилик шакли, илмий асосланган алмашлаб экиш системаларини жорий этиш тупроқга ишлов беришни прогерессив усулларини қўллаш; ерларни химиялаштириш; ерларни мелиорациялаштириш
- томорқа учун кўпроқ ерларни ажратиш; ерларни намини қочириш учун сопол дренажлардан фойдаланиш; усимликларни зарақунандалардан химоя этишни биологик усулларини қўллаш; янги ерларни ўзлаштириш
- сунъий пичанзор ва яйловларни барпо этиш; экин майдонларини кенгайтириш экин майдонларини рационал структурасини жорий этиш
- табиий яйловларни ҳайдаладиган ерларга айлантириш; томорқа учун ажратилган ерлар майдонини қисқартириш; ерларни химиялаштириш; минерал ўғитлардан кенг фойдаланиш
- тўғри жавоб йўқ

ЕР КАДАСТРИНИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИ КЎРСАТИНГ

- ерларнинг трансформацияси; ерлар миқдорини ҳисобга олиш; ерларни рекультивацияси; ерларни иқтисодий баҳолаш
- ердан фойдаланувчиларни давлат томонидан рўйхатга олиш; ерларнинг бонитировкаси; ерларни иқтисодий баҳолаш
- ерларни қийматини баҳолаш; ерларни сифатини ҳисобга олиш; ерларни бонитировкаси
- ерларни трансформацияси; ерларни миқдорини ҳисобга олиш; ерларни сифатини ҳисобга олиш
- ерларни иқтисодий баҳолаш; ерларни трансформацияси; ерларни бонитировкаси

ТАБИЙ УНУМДОРЛИК НИМА?

- 3 йил давомида тупроқда тўпланиб қолган гумус миқдори, унинг физик ва биологик хоссасидир
- узоқ йиллар давомида тупроқда тўпланиб келган гумус миқдори унинг кимёвий ва биологик хоссаси
- маълум бир давр давомида тупроқда тўпланиб келган гумус миқдори, унинг физик ва кимёвий хоссаси
- бу ерда тўғри жавоб йўқ
- узоқ давр ичида тупроқда тўпланиб келган физик кимёвий ва биологик хосса

СУНЪИЙ УНУМДОРЛИК НИМА?

- тупроқни ҳар йили ишлов бериш натижасида унинг тобора ошиб борадиган хоссаси бўлиб, табиий унумдорлик қўшилган
- деҳқончилик маданиятини ошириш қўшимча маблағ сарфлаш йўли орқали инсоннинг актив фаолиятини натижаси
- ерга қўшимча харажатлар қилиб, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш
- йил давомида тупроқда тўпланиб қолган гумус миқдори, унинг физик ва биологик хоссаси
- бу ерда тўғри жавоб йўқ

ИҚТИСОДИЙ УНУМДОРЛИК НИМА?

- сунъий унумдорлик кенг маънода иқтисодий унумдорлик дейилади
- табиий унумдорлик кенг маънода иқтисодий унумдорлик дейилади
- тупроқнинг табиий физик кимёвий ва биологик хоссаси
- табиий ва сунъий унумдорликнинг бирлиги
- тўғри жавоб йўқ

ЕРЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ НИМА?

- ерларни бир турдан бошқа турга ўтиши
- унумдор ерлар миқдорининг ошиши
- унумдор ерлар миқдорининг камайиши
- қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни камайиши
- қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни ортиши

ЕРЛАРНИ МУСБАТ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ДЕБ НИМАГА АЙТИЛАДИ?

- суғориладиган ерлар майдонининг ортиб бориши
- суғориладиган ер майдонларининг камайиб бориши
- ҳайдаладиган ер майдонининг ортиб бориши
- ҳайдаладиган ер майдонининг камайиб бориши
- унумдор ерлар майдонининг ортиб бориши

ЕРЛАРНИ МАНФИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ДЕБ НИМАГА АЙТИЛАДИ?

- унумдор ер майдонининг қисқариб бориши
- унумдор ер майдонининг камайиб бориши
- қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ортиб бориши
- яйловларнинг кенгайиб бориши
- яйловларнинг қисқариб бориши

ХЎЖАЛИК УЧУН ТРАНСФОРМАЦИЯНИ ҚАЙСИ КЎРИНИШИ САМАРАЛИ БЎЛАДИ?

- мусбат
- манфий
- мусбат ва манфий
- ўзгармасдан бир хилда туради
- умумий ер майдони кенгайди

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА ҚАТНАШИШИГА ҚАРАБ ТУРКУМЛАРИГА АЖРАЛИШНИ КЎРСАТИНГ

- ишлаб чиқаришга тааллуқли; ишлаб чиқаришга тааллуқсиз; қишлоқ хўжалигига тааллуқли асосий ишлаб чиқариш воситалари ва қишлоқ хўжалигига тааллуқсиз асосий ишлаб чиқариш воситалари
- ишлаб чиқаришга тааллуқли ва ишлаб чиқаришга тааллуқсиз асосий воситалар
- қишлоқ хўжалигига тааллуқли; қишлоқ хўжалигига тааллуқсиз деҳқончилик тармоғларининг асосий ишлаб чиқариш воситалари
- бинолар, иншоотлар, узатувчи қурилмалар, машина ва ускуналар
- ишлаб чиқаришга тааллуқли; ишлаб чиқаришга тааллуқсиз деҳқончилик тармоғи ва чорвачилик тармоқларига тааллуқли умумий фойдаланишдаги асосий воситалар, қишлоқ хўжалигига тааллуқсиз асосий ишлаб чиқариш воситалари

ФОНДЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШ КЎРСАТКИЧИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

- асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматини қишлоқ хўжалигига яроқли ҳайдаладиган ерлар майдонига нисбати орқали
- асосий ишлаб чиқариш фойдалари қийматини ўртача йиллик ходимлар сонига нисбати орқали
- қишлоқ хўжалигига яроқли ёқи ҳайдаладиган ерлар майдонини асосий ишлаб чиқариш воситалари қийматига нисбати орқали
- ўртача йиллик асосий ва айланма воситалар қийматини қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар майдонига нисбати орқали
- тўғри жавоб йўқ

ФОНДЛАР БИЛАН ҚУРОЛЛАНИШ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

- ўртача йиллик ходимлар сонини асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматига нисбати орқали
- асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматини айланма фондлар қийматига нисбати орқали
- асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати ўртача йиллик ходимлар сонига нисбати орқали
- фойдани ишлаб чиқариш фондлари қийматига нисбати орқали
- ҳаммаси тўғри

АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФОНДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ КЎРСАТИНГ

- фондлар билан таъминланиш, фондлар билан қуролланиш, фойда нормаси
- фойда нормаси, фонд сифими фондлар билан қуролланиш
- фонд сифими, фонд қайтими

- рентабеллик даражаси, фойда нормаси
- тўғри жавоб йўқ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФОНДЛАРИ ТАРКИБИГА ҚАЙСИ ВОСИТАЛАР КИРАДИ?

- Иншоатлар, узатувчи қурилмалар, химиявий воситалар, ўғитлар, кўп йиллик дарахтлар, маҳсулдор ҳайвонлар, ёш боқувдаги ҳайвонлар
- Бинолар, иншоатлар, узатувчи қурилмалар, машина ва ускуналар маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик ўсимликлар, транспорт воситалари, ишловчи машиналар, асбоблар
- ишлаб чиқариш заҳиралари, ёқилғи ва мойлаш материаллари, транспорт воситалари, бинолар, иншоатлар, кўп йиллик ўсимликлар, қишлоқ хўжалиги инвентарлари
- кўп йиллик ўсимликлар, маҳсулдор ҳайвонлар, транспорт воситалари, бинолар, иншоатлар, химиявий воситалар, тайёр маҳсулотлар, ишлаб чиқариш заҳиралари, боқувдаги ёш ҳайвонлар
- тўғри жавоб йўқ

ҚАЙСИ ВОСИТАЛАР АЙЛАНМА ФОНДЛАР ТАРКИБИГА КИРАДИ?

- ишлаб чиқариш заҳиралари, ўғитлар, заҳарли ва химиявий моддалар, ёш ва боқувдаги ҳайвонлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, ёқилғи ва мойлаш материаллари, қаттиқ ёқилғи уруғлик ва кучатлар
- ишлаб чиқариш харажатлари, меҳнат ҳақи, уруғлик, ўғитлар, асбоблар, бошқариш харажатлари, ёш ва боқувдаги ҳайвонлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, ёқилғи ва мойлаш материаллари, қаттиқ ёқилғи
- тугалланмаган ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш харажатлари, меҳнат харажатлари, тайёр маҳсулотлар, муомила воситалари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, ёқилғи ва мойлаш материаллари, қаттиқ ёқилғи, уруғлик ва кучатлар
- машиналар, ускуналар, химиявий моддалар, ўғитлар, бошқариш харажатлари, амортизация ажратмалари
- тўғри жавоб йўқ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФОНДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ҚАЙСИ КЎРСАТКИЧ КЎРСАТАДИ

- фонд сўғими
- фонд қиймати
- фонд билан қуrollаниш
- фойда нормаси
- меҳнат унумдорлиги

ФОНД ТЕЖАМИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

- фондлар билан таъминланиш даражаси ўсишнинг фондлар билан қуrollаниш даражаси ўсишга нисбати орқали
- фондлар билан таъминланиш даражаси ўсишнинг меҳнат унумдорлиги ўсиш даражасига нисбати орқали
- меҳнат унумдорлиги ўсишининг фондлар билан таъминланиши даражаси ўсишга нисбати орқали
- фондлар билан қуrollаниш даражаси ўсишнинг меҳнат унумдорлиги ўсишга нисбати орқали

- меҳнат унумдорлиги ўсишининг фондлар билан қуролланиш даражаси ўсишга нисбати орқали

ФОНД САРФИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

- фондлар билан таъминланиш даражаси ўсишнинг фондлар билан қуролланиш даражаси ўсишга нисбати орқали
- фондлар билан таъминланиш даражаси ўсишнинг меҳнат унумдорлиги ўсиш даражасига нисбати орқали
- меҳнат унумдорлиги ўсишнинг фондлар билан қуролланиш даражаси нисбати орқали
- фондлар билан қуролланиш даражаси ўсишнинг меҳнат унумдорлиги ўсишга нисбати орқали
- меҳнат унумдорлиги ўсишининг фондлар билан таъминланиш даражаси ўсишга нисбати орқали

ЭНЕРГИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШ КЎРСАТКИЧИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

- жами энергетик қувватларни қишлоқ хўжалиги яроқли ерга, ҳайдаладиган ер майдонига нисбати орқали
- жами энергетик қувватларни ўртача йиллик ходимлар сонига нисбати орқали
- қишлоқ хўжалиги яроқли ёки ҳайдаладиган ерлар майдонини хўжаликдаги жами энергетик қувватларга нисбати орқали
- жами энергетик қувватларни хўжаликда ишланган жами киши соатларига нисбати орқали
- бу ерда тўғри жавоб йўқ

ЭНЕРГИЯ БИЛАН ҚУРОЛЛАНИШ КЎРСАТКИЧИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

- ўртача йиллик ходимлари сонини асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматига нисбати орқали
- жами энергетик қувватларни асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматига нисбати орқали
- жами энергетик қувватларини хўжаликдаги ўртача йиллик ходимлар сонига нисбати орқали
- фойдани ўртача йиллик ходимлар сонига нисбати орқали
- бу ерда тўғри жавоб йўқ

МУОМИЛА ФОНДЛАРИ НИМА?

- сотишга мўлжалланган тайёр маҳсулот сотилган маҳсулот ҳажми кассадаги пул воситалари
- ялли маҳсулотнинг сотиш учун ишлаб чиқарилган қисми товар маҳсулот ва бошқалар сўтдаги пул воситалари
- товар маҳсулот кассадаги ва банк сўтдаги пул воситалари товарнинг сотилган қисми
- сотишга мўлжалланган тайёр маҳсулот кассадаги ва банк сўтидаги пул воситалари
- тўғри жавоб йўқ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИНТЕНСИВЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ КЎРСАТИНГ

- Суғориш системаларини яратиш, боғ ва узумзорларни барпо этиш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш ва талафотга йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш, ерларни мелиорациялаштириш.
- Иқтисодий мўносабатларни тубдан қайта қуриш, етиштирилган маҳсулотни сақлаш ва талафотларни камайтириш, қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш, ерларни мелиорациялаштириш, интенсив технологияларни жорий этиш, пода таркибини сифат жиҳатдан яхшилаш.
- Маҳсулот таннархини пасайтириш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни кимёлаштириш, ерларни мелиорациялаштириш, самарадорликни ошириш.
- Суғориш системаларини яратиш, ерларни мелиорациялаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, рентабелликни ошириш, таннархни пасайтириш.
- Тўғри жавоб йўқ

ИНТЕНСИВЛИК ДАРАЖАСИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ҚАЙСИЛАР

- Ялли маҳсулот қийматининг ишлаб чиқариш воситаларига нисбати
- Ялли маҳсулот қийматининг меҳнат сарфи харажатларига нисбати
- Фойданинг асосий ишлаб чиқариш воситалари ва айланма воситалари йиғиндисига нисбати
- Фойданинг ишлаб чиқариш харажатларига нисбати
- Асосий воситалар қиймати ва жорий харажатлар қиймати йиғиндисини қишлоқ хўжалигига яроқли ерларга нисбати.

ИНТЕНСИВЛАШТИРИШНИНГ УМУМЛАШТИРУВЧИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ КЎРСАТИНГ

- Фойдани ишлаб чиқариш харажатларига нисбати
- Ялли маҳсулот қийматини, ялли даромад ва соф даромад қийматини йиллик ходимлар сонига нисбати
- Ишлаб чиқариш харажатларини меҳнат сарфига нисбати
- Ялли маҳсулот, ялли даромад ва соф даромад қийматини ишлаб чиқариш воситалари қийматига нисбати
- Тўғри жавоб йўқ

КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРИ ДЕБ НИМАГА АЙТИЛАДИ?

- маҳсулот бирлигини етиштириш учун қилинган харажатлар йиғиндиси
- бир бирлик маҳсулот етиштириш учун сарфланган меҳнатга
- ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб ўз қийматини маҳсулот қийматига аста-секин ўтказиб берувчи воситаларга асосий воситаларни тиклаш кенгайтириш қайта тиклаш учун йўналтирилган пул маблағларига
- уруғлик ёқилги ва мойлаш материалларини харид қилиш ишлаб чиқариш воситаларини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган харажатларга

КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРНИНГ УМУМИЙ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧНИ КЎРСАТИНГ

- ялли маҳсулот ялли ва соф даромад ёки фойданинг ўсган қисмини капитал қўйилмалари харажатларига нисбати

- ялпи маҳсулот ялпи ва соф даромад ёки фойданинг ўсган қисмини капитал қўйилмаларга ва ишлаб чиқариш харажатларига нисбати
- ялпи маҳсулот капитал қўйилмалари суммасига нисбати
- ишлаб чиқариш харажатлари соф даромад ёки фойданинг капитал қўйилмалари суммасига нисбати
- тўғри жавоб йўқ

КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НИСБИЙ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ ҚАНДАЙ АНИҚЛанаДИ

- капитал қўйилмаларни асосий воситалар қийматининг йиғиндисига нисбати орқали
- капитал қўйилмаларини ишлаб чиқариш харажатлари қийматига нисбати орқали
- капитал қўйилмаларини ялпи маҳсулот ялпи ва соф даромад ўсган қисмининг ёки фойдага нисбати орқали
- ялпи маҳсулот ялпи ва соф даромадни ёки фойдани капитал қўйилмалари суммасига нисбати орқали
- тўғри жавоб йўқ

КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙўЛЛАРИНИ КўРСАТИНГ?

- меҳнат унумдорлигини ошириш маҳсулот таннархини пасайтириш рентабелликни ошириш
- ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш меҳнат унумдорлигини ошириш
- экинлар ҳосилдорлигини ошириш чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, реконструкцияга кўпроқ сарфлаш
- капитал қўйилмаларни комплекслиги ва мутаносиблиги таъминлаш маблағларни сарфлаш ва олинadиган иқтисодий самара ўртасидаги вақтни қисқартириш тўғри жавоб йўқ

КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРИНИНГ ТАРМОҚ СТРУКТУРАСИНИ АНИҚЛАНГ

- чорвачилик биноларини қуриш ва жиҳозлаш, машина ва ускуналар сотиб олиш, кўп йиллик дарахтлар утказиш уй-жой ва маданий маиший қурилиш, ёрдамчи ишлаб чиқариш учун биноларни барпо қилиш
- чорвачилик биноларни қуриш ва жиҳозлаш, трактор, машина ва ускуналар сотиб олиш, кўп йиллик дарахтлар утказиш, уй-жой ва маданий-маиший қурилиш
- деҳқончилик ва чорвачилик биноларини қуриш, сув иншоатларини барпо қилиш, электрлаштириш, кўп йиллик дарахтлар утказиш, трактор, машина ва ускуналар сотиб олиш
- тўғри жавоб йўқ
- уй-жой ва маданий маиший қурилиш, ёрдамчи корхоналарни қуриш, электрлаштириш, газлаштириш, трактор, машина ва ускуналар сотиб олиш

КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРИНИНГ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СТРУКТУРАСИНИ АЙТИНГ

- янги деҳқончилик тармоғи учун бинолар барпо қилиш эски биноларни таъмирлаш
- чорвачилик бинолари қуриш ва жиҳозлаш ҳаракатларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш
- ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш, янги бинолар қуриш, воситалар сотиб олиш
- трактор, машина ва усқуналар сотиб олиш, янги бино ва иншоотлар қурилиши
- ишлаб чиқаришни таъмирлаш, ҳаракатдаги ишлаб чиқаришни кенгайтириш янги қурилиш

КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИК СТРУКТУРАСИНИ АЙТИНГ

- янги объектларни барпо қилиш, эски объектларни қайта жиҳозлаш
- қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, асбоб-усқуналар сотиб олиш, бошқа қўйилмалар
- асбоб-усқуналар сотиб олиш, лойҳа-қидирув ишларини амалга ошириш, бошқа қўйилмалар
- усқуналар, қурилиш-монтаж ишлари, лойиҳа-қидирув ишлари, бошқа қўйилмалар
- лойиҳа-қидирув ишларини амалга ошириш, асбоб усқуналар сотиб олиш, бошқа қўйилмалар

ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК ТУШУНЧАСИНИ КЎРСАТИНГ

- вақт бирлигида олинган маҳсулот миқдори
- ишлаб чиқаришдан олинган натижа билан жонли ва буюмлашган меҳнат сарфи ўртасидаги нисбати
- меҳнат унумдорлиги билан меҳнат ҳақи даражаси ўртасидаги нисбат
- кам моддий ва меҳнат ресурслари ҳисобига кўпроқ юқори сифатли маҳсулот олиш
- тўғри жавоб йўқ

ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИ КЎРСАТИНГ

- фондлар билан таъминланиш, фондлар билан қурулганиш, фонд қайтими, фонд сигими, меҳнат сигими, ҳосилдорлик
- маҳсулот миқдори ва сифати, фонд қайтими, маҳсулот таннархи, меҳнат унумдорлиги, ер қайтими, рентабеллик
- меҳнат унумдорлиги, меҳнат ҳақи даражаси, экин ҳосилдорлиги, меҳнат сигими, чорва моллари маҳсулдорлиги
- рентабеллик, фондлар билан қурулганиш, ялпи маҳсулот миқдори, маҳсулот таннархи
- тўғри жавоб йўқ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ШАКЛЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА САМАРАДОРЛИК ОМИЛЛАРИНИ КЎРСАТИНГ

- меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлаш, фан-техника тараққиёти ва илғор тажриба, хўжалик ҳамда ижара ва бошқалар
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш, технологияни жорий қилиш ва бошқалар
- технология ихтисослаштириш ва концентрациялаш, фан-техника тараққиёти ва бошқалар
- технология ихтисослаштириш ва концентрациялаш меҳнатни ташкил қилиш, ҳақ тўлаш ва бошқалар
- бу ерда тўғри жавоб йўқ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ДАРАЖАСИ БЎЙИЧА САМАРАДОРЛИК ОМИЛЛАРИНИ КЎРСАТИНГ

- тармоқ, ички хўжалик, корхона, бригада, ферма
- халқ хўжалиги, тармоқ, ички хўжалик
- тармоқ, корхона, хўжалик, ички хўжалик
- бригада, ферма, индивидуал, корхона
- бу ерда тўғри жавоб йўқ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ РЕСУРСЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАР БЎЙИЧА САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛЛАРИНИ КЎРСАТИНГ

- меҳнат унумдорлиги, ҳосилдорлик фондлар билан таъминланиш даражаси, материал қайтиш
- маҳсулот таннархи, ҳосилдорлик, ҳайвонлар маҳсулдорлиги, ер қайтими меҳнат унумдорлиги, маҳсулдорлик, фонд сифими, меҳнат сифими
- ер сифими, фонд сифими, фондлар билан қуролланиш, меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими
- меҳнат сифими, ер сифими, фонд сифими, материал сифими

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЯЛПИ МАҲСУЛОТ ТУШУНЧАСИНИ КЎРСАТИНГ

- қишлоқ хўжалиги ерларидан олинган маҳсулотга
- маълум бир давр ичида етиштирилган маҳсулотлар йиғиндисига
- меҳнат ва моддий харажатлар эвазига олинган натижага
- маълум бир давр ичида олинган пул даромади миқдориغا сарфланган меҳнат ва моддий харажатлар йиғиндисига

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЯЛПИ МАҲСУЛОТИ ТАРКИБИНИ КЎРСАТИНГ

- меҳнат ҳақи, ёқилғи, уруғлик, амортизация, ўғитлар
- чорва моллари, қишлоқ хўжалиги экинлари, етиштирилган маҳсулот
- меҳнат ресурслари, асосий фондлар, айланма фондлар, кўп йиллик дарахтлар, уруғлик ва кўчатлар, паррандалардан олинган маҳсулот
- қишлоқ хўжалиги экинларидан олинган ҳосил, кўп йиллик дарахтларни ўстириш, тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибининг ўзгариши, чорва моллари ва бошқалар
- тўғри жавоб йўқ

ЯЛПИ МАҲСУЛОТНИ ТЎҒРИ ТАҚСИМЛАНИШИНИ КЎРСАТИНГ

- истеъмол фондига, ялпи даромадга, соф даромадга, ижтимоий истеъмол фондига, жамғариш фондига
- меҳнат ҳақи фонди, моддий ресурсларга, ишлаб чиқариш харажатлари, ҳар хил фондларга ажратмалар
- соф даромад, ялпи даромад фойдага
- меҳнат харажатларини қоплаш, моддий харажатларни қоплаш, зарарни қоплаш, капитал харажатларга
- тўғри жавоб йўқ

ТОВАР МАҲСУЛОТ ДЕБ НИМАГА АЙТИЛАДИ?

- 1 йил давомида етиштирилган маҳсулотлар йиғиндисининг пулдаги ифодасига ва сотиш учун мўлжалланган қисмига
- маҳсулот етиштириш учун қилинган харажатларни пулдаги ифодасига
- сотилган маҳсулотлар йиғиндисининг пулдаги ифодасига
- ялпи маҳсулотларнинг бозорнинг барча каналлари орқали сотишга мўлжалланган қисмига
- тўғри жавоб йўқ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТОВАРЛИК ДАРАЖАСИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ

- сотилган маҳсулотни ялпи маҳсулотга процент ифодасига нисбати орқали
- сотилган маҳсулотни қишлоқ хўжалиги ерлари майдонига процент ифодасидаги нисбатига
- ялпи маҳсулотни товар маҳсулотига процент ифодасидаги нисбатига
- сотилган маҳсулот қийматини ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини процент ифодасидаги нисбатига
- тўғри жавоб йўқ

ОДДИЙ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ НИМА

- ишлаб чиқаришнинг ҳар йили такрорланиб туриши
- ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгармасдан такрорланиб туриши
- ишлаб чиқариш ҳажмининг қисман ўзгариб такрорланиб туриши
- ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгарган ҳолда такрорланиб туриши
- тўғри жавоб йўқ

КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

- ишлаб чиқариш ҳажмининг йилдан-йилга бир хил суръат билан ўзгариб, такрорланиб туриши
- ишлаб чиқариш ҳажмининг йилдан-йилга ўзгармасдан такрорланиб, янгиланиб туриши
- ишлаб чиқариш ҳажмининг бир неча йил давомида ўзгариб, янгиланиб, такрорланиб туриши
- ишлаб чиқариш ҳажмининг тўхтовсиз ўсиб боргани ҳолда такрорланиб туриши
- тўғри жавоб йўқ

ИЖТИМОЙ ХАРАЖАТЛАР ДЕБ НИМАГА АЙТИЛАДИ?

- у ёки бу маҳсулот ишлаб чиқариш жамият томонидан қилинган харажатлар мажмуига

- маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларига
- маҳсулот етиштириш учун ишлатилган ишлаб чиқариш воситалари қийматининг йиғиндисига
- ишлаб чиқаришда қўлланилган ишлаб чиқариш воситалари қийматининг йиғиндисига
- тўғри жавоб йўқ

МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ТУШУНЧАСИНИ КЎРСАТИНГ

- ҳар бир гектар экин майдони ва ҳар бир бош чорва моллари ҳисобига қилинган харажатнинг пулдаги ифодаси
- маҳсулот бирлиги учун сарфланган меҳнат миқдори корхоналарни маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун қилган жорий харажатлар мажмуининг пулдаги ифодаси
- маҳсулот етиштириб ва сотишдан тушган даромад
- тўғри жавоб йўқ

ХАРАЖАТЛАРНИ ТАШКИЛ ТОПИШИГА ҚАРАБ ТАННАРХ ТУРЛАРИНИ КЎРСАТИНГ

- планли таннарх кутиладиган таннарх ҳақиқий таннарх
- планли таннарх технологик таннарх ишлаб чиқариш таннархи
- технологик таннарх ишлаб чиқариш таннархи тўла таннарх
- ишлаб чиқариш таннархи тўла таннарх ҳақиқий таннарх
- ҳақиқий таннарх тўла таннарх технологик таннарх

ҲИСОБЛАШ ХАРАКТЕРИГА ҚАРАБ ТАННАРХ ҚАЙСИ ТУРЛАРГА БЎЛИНАДИ?

- ишлаб чиқариш кутиладиган планли
- планли тўла технологик
- технологик ҳақиқий ишлаб чиқариш
- планли кутиладиган ҳақиқий
- тўғри жавоб йўқ

МАҲСУЛОТ ТАННАРХИГА ҚАЙСИ ОМИЛЛАР ТАЪСИР КЎРСАТАДИ

- экинлар ҳосилдорлиги, чорва моллари маҳсулдорлиги, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш технологияси, ишловчиларни моддий рағбатлантириш, тежамкорлик
- экинлар ҳосилдорлиги, фонд сифими, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати, рентабеллик даражаси, тежамкорлик, баҳо, ишлаб чиқариш технологияси
- фонд сифими, унумдорлиги, ҳосилдорлик, моддий рағбатлантириш, маҳсулот сифати
- ишлаб чиқариш технологияси, маҳсулот таннархи, рентабеллик, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати, маҳсулот баҳоси
- тўғри жавоб йўқ

РЕНТАБЕЛЛИК ТУШУНЧАСИНИ КЎРСАТИНГ

- иқтисодий категория бўлиб, ишлаб чиқаришни даромадлигини билдиради
- кўп ва юқори сифатли маҳсулот кўпроқ пул даромад олинишига
- корхоналарда ишлаб чиқариш фондлари ҳисобидан олинадиган фойда

- ҳар бир ходим ҳисобига олинган фойда
- туғри жавоб йўқ

РЕНТАБЕЛЛИК ДАРАЖАСИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

- маҳсулот етиштириш учун сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнатни йиллик ходимлар сонига процент нисбати орқали
- олинган фойдани ишлаб чиқариш харажатларига ёки ўртача йиллик ишлаб чиқариш фондлари қийматига процент нисбати орқали
- олинган ялли маҳсулот ялли даромад соф даромаднинг ўртача йиллик ишлаб чиқариш харажатларига процент нисбати орқали
- ялли маҳсулот ялли соф даромадни ўртача йиллик ходимлар сонига нисбати орқали
- ўртача йиллик асосий фондлар қийматининг маҳсулот таннархига процент нисбати орқали

РЕНТАБЕЛЛИКГА БЕВОСИТА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ КЎРСАТИНГ

- харажатлар миқдори меҳнат унумдорлиги ҳосилдорлиги
- ҳосилдорлик таннарх меҳнат унумдорлиги
- таннарх маҳсулот миқдори сотиш баҳолари
- сотиш баҳолари меҳнат унумдорлиги ҳосилдорлик
- маҳсулот сифати таннархи меҳнат унумдорлиги

ДЕҲҚОНЧИЛИК СИСТЕМАСИ ЎЗ ИЧИГА НЕЧТА ТАДБИРНИ ОЛАДИ?

- 6 та
- 8 та
- 10 та
- 12 та
- 14 та

ЕМ – ХАШАК ҚЎЙЧИЛИКДА ТАННАРХНИНГ НЕЧА ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ?

- 15-25
- 25-35
- 30-35
- 40-45
- 50-55

ЕМ – ХАШАК ЧЎЧҚАЧИЛИКДА ВА ПАРРАНДАЧИЛИКДА ТАННАРХНИНГ НЕЧА ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ?

- 45-50
- 50-55
- 55-60
- 60-65
- 65-70

ЧОРВАЧИЛИКНИ ИҚТИСОДИЙ НУҚТАИ НАЗАРДАН ФУНКЦИОНАЛ ТАРМОҚЛАРГА АЖРАТИНГ

- Урғочи ҳайвонлар бош сонларини сақлаш, ёш молларни ўстириш, бўрдоқига боқиш

- Боғлаб боқиш, ҳайдов усулида боқиш, чўпон ёрдамида боқиш
- Бурдоқига боқиш, боғлаб боқиш, ҳайдов усулида боқиш
- Юқоридаги жавобларнинг ҳаммаси тўғри
- Тўғри жавоб йўқ

ОЗУҚА ЕТИШТИРИШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА МАНБАЪЛАР КЎРСАТИЛГАН ЖАВОБНИ ТОПИҢГ

- Ўзида озуқа ишлаб чиқариш ва бошқа жойлардан озуқа сотиб олиш
- Умумовқатланиш ташкилотлари чиқиндилари ва омухта ем сотиб олиш
- Умумовқатланиш ташкилотлари чиқиндилари ва экинзор, яйловлар, пичанзорлардан асосий озуқани йиғиштириб олиш
- Ўзида озуқа ишлаб чиқариш ва умумовқатланиш ташкилотлари чиқиндилари
- Тўғри жавоб йўқ

ЧОРВАЧИЛИҚДАГИ ҲАЙВОНЛАРНИНГ ТУРИ, МАХСУЛОТ ТАРКИБИ ВА БОШҚА БЕЛГИЛАРГА ҚАРАБ МАВЖУД ТАРМОҚЛАР КЎРСАТИЛГАН ЖАВОБНИ ТОПИҢГ

- Қорамолчилик, қўйчилик, чўчқачилик, паррандачилик, йилқичилик, ипакчилик, балиқчилик, қуёнчилик, асаларичилик
- Бурдоқига боқиш, ем-хашак етиштириш ва сут йўналиши бўйича
- Қўйчилик, жун олиш, тери олиш
- Гушт етиштириш, жун ва тери олиш, сут етиштириш
- Тўғри жавоб йўқ

Фаннинг предмети, келиб чиқиши ва ўрганиш усуллари	5
1 Агробизнес	9
1.1 Озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва реализация қилиш занжири ..	10
1.2 Агросаноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш омиллари	15
1.3 Бозор структураси	24
1.4 Маҳсулотни қайта ишлаш	27
1.5 Озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси	29
1.6 Маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш (умумий овқатланиш тизими)	30
2 Қишлоқ хўжалик корхоналарида иқтисодий ҳисоб-китоблар олиб боришнинг услубий асослари	33
3 Корхонада ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи.61	
4 ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ.....	83

930